

Иброҳим Каримов

**Имон ва маслак тарихи
Миллий ғоя йўналишида тахсил
олаётган магистрлар учун ўқув-
қўлланма**

Тошкент-2009

Муқаддима

Илм-фан нуқтаи назаридан олам бепоён, чексиз-чегарасиздир (Динларнинг муқаддас китобларида ҳам бу ҳолат эътироф этилади). Фақат бизга кўриниб турган коинотимизнинг ўзида миллиардлаб юлдузлар бўлиб, Қуёш ўртача ҳажмдаги бир юлдуздир. Ана шу сайёра атрофидаги 9 та планетанинг биттаси – Ер улар ичида ўртача ҳажмга эга. Ҳозиргача бизга шу Ердагина ҳаёт мавжудлиги аён. Аммо бошқа юлдуз (қуёш)ларда ҳам ҳаёт бўлиши, ҳатто биз каби онгли мавжудот яшаётганлиги ҳақида гипотезалар бор.

Агар биз ердаги тирик ва нотирик табиатга назар ташласак, бу олам ниҳоятда сирли, мўжизакор эканлиги маълум бўлади. Улар ичида одам зотининг ўзидан-ўзи яралиши ва миллион йиллар давомида эволюцион тараққиёти мўъжизалар мўжизаси, дейиш мумкин. Зеро, барча тирик мавжудотлар Она-табиатга мослашсалар, одам деб аталган ва Ер юзининг барча қитъаларига тарқалган бу битта тур табиатга мослашибгина қолмай, шу билан бирга, табиатнинг ўзини ҳам сифат жиҳатидан ўзгартира оладиган буюк бир қудрат бўлиб майдонга чиқмоқда. Бунга сабаб: унда онг ва у билан боғлиқ равишда руҳнинг мавжудлигидир.

Ҳайвонлар ҳуқ-атвори уларнинг генетик дастурларида белгиланган бўлиб, ҳар қандай ҳайвон турига ҳос ҳатти-ҳаракатларни олдиндан билиш ва шунга мувофиқ муносабат белгилаш мумкин. Одамзотида ҳам унинг биологик моҳиятидан келиб чиқадиган генетик дастур бор, албатта. Аммо у фикрловчи мавжудод бўлгани ва тарихан шаклланган муайян бир ижтимоий муҳитга мослашув зарурати туфайлидан одам зотининг феъл-атворини олдиндан англаш ва шунга асосланиб муносабат белгилаш амри маҳол: бир вазиятда ажойиб инсоний фазилатлар билан қўпчилик иззат-икромига сазовор бўлган индивид бошқа бир вазиятда шу одамнинг ўзи баднафс, ҳеч нима билан қаноатланмайдиган дахшатли ҳайвондан ҳам ҳавфлироқ тусга кириши мумкин. Агар ҳайвон ўз гомеостазиси (тури)ни сақлаш муҳимлигини инстинктив тарзда ҳис этиб, ўз турини ейиш ёки бутунлай қириб ташлашдан ҳоли бўлса, онгли мавжудод ҳисобланган одам ўз гомеостазисини сақлашни уруғи, қабиласи, элати ва миллати доирасида деб билади ҳамда ўз тури бўлган ва бошқа элат, миллат, ўзгача эътиқод эгалари тимсолида душман образи яратади-да, уларни қириб ташлаш орқали яхшироқ яшаш мумкин, деб ҳисоблайди.

Она-табиатимиз Ноосфера – Ақл соҳаси босқичига ўтгач, қандай қилиб бўлса-да, дунёимиздаги барча одамлар миллати, ирқи, синфи, диний эътиқоди ва бошқа ижтимоий хусусиятларидан қатъий назар, битта турга мансуб эканини англатиш, шу жараёнда Одам-Одам учун энг олий қадрият бўлиб қолишига эришиш ниҳоятда муҳим вазифага айланиб бормоқда. Бунда одамзот руҳини поклаш соҳасида тўпланган тарихий тажрибаларни умумлаштириб, муайян концепция яратиш зарурати пайдо бўлмоқда.

Ислом Каримов “Ирода ва имон-эътиқодимиз синови” асарида халқимиз орасида имон-эътиқод тушунчасини ёшлар онгига сингдириш ҳаракати кучаяётгани, ҳаёт маъносини ўйлаб яшаш иштиёқи борлигини мамнуният билан таъкидлаб, бундай дейди: “Агар одамнинг бахти нимада, деб сўралса, мен кимки ички дунёси, бошқача айтганда, имон-эътиқоди амрига бўйсуниб яшаса, шундан розилик, қаноат туйса, шубҳасиз, ана шундай инсон бахтлидир деб жавоб берган

бўлардим.”¹ Президент ўз фикрини давом эттириб, имонига, виждонига қулоқ солмай ҳаёт кечирадиган одам охир-оқибатда пушаймон еб, ўтган умридан норози бўлади, деб таъкидлайди.

Ислом Абдуғаниевич маънавият туфайли одам зоти жамиятда яшаш малакасига эга бўлишни назарда тутиб, “Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндоша оладиган, айтилишича замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан *баркамол инсонларни* тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди”, - дейди.²

Бу фикрлардан маълум бўладики, эндиликда, яъни Ақл соҳаси (Ноосфера) даврида гап оддий маънавият ҳақида эмас, балки Ўзбекистон жамиятида юксак маънавиятни қарор топтириш тўғрисида бормоқда. Юксак маънавият ижодкори ва ҳаракатлантирувчи кучи эса фақат баркамол инсонлар бўлиши мумкин. Зеро, баркамолликка интилан ҳар бир инсон имон соҳилига йўл олса, имонлилик эса бапркамоллиликнинг асосий шартидир. Имон, баъзилар ўйлаганидек, ахлоқ назарияси эмас, балки у муайян дунёқараш ғояларига қаттиқ ишонч, эътиқод ва бунга ҳар қандай шароитда содиқ қолиш учун ички онт (қасамёд) қилиш ҳамдир. Шу боис имонли инсонларгина виждонли, инсоф-диёнатли, ҳалол-поклик каби ахлоқий сифатларга эга бўладилар.

Шуни алоқида таъкидлаш лозимки, имон нафақат диний онгга ҳос хусусият бўлмай, айтилишича у инсон (Жамиятлашган индивид) онгининг нодир ҳодисаси ҳамдир. Бу ҳақиқатни ёш авлод англаб олиши бағоят муҳимдир. Муайян дунёқараш асосида инсон онги ва аҳволи, руҳияти (психологияси)да вужудга келадиган нодир ҳодиса – имон туфайли одам инсон – жамият қонун-қоидаларига, тартиб-интизомлари, тарихан шаклланган одоб ахлоқ нормаларига қаттиқ риоя қилиб яшаш иродасига эга бўлган, ўзи мансуб имонларга ногаҳон заррача-да ҳилоф иш қилса, ўзини-ўзи сира кечири олмайдиган баркамол авлод етишиб чиқиши мумкинлиги ушбу ўқув қўлланма умумий мазмунини ташкил этади.

Таълим тизимига биринчи марта қиритилаётган “Имон ва маслак тарихи” фани мана шу йўлда қўйилган дастлабки қадам бўлади. Ўйлаймизки, бу тахсил тобора такомиллашиб бориб, одамнинг инсон (жамиятлашган индивид)га айланишининг ишончли замонавий ижтимоий мурват (социал механизм)лари вужудга келажак. Бинобарин, бу тахсил ҳақида ўз танқидий мулоҳазаларини билдирган барча ватандошларимизга олдиндан самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз. (Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Юсуф хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, Низомий номли ТДПУ, “Фалсафа” кафедраси).

¹ Ислом Каримов. Ирода ва имон-эътиқодимиз синови. Т., “Ўзбекистон” нашр., 1999 – 23-б.

² Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият” нашр., 2008 – 77-б.

Имон ва маслак тарихи фанининг тадқиқот соҳаси, предмети ва вазифалари.

**Ўзбекистоннинг жаҳон
тамаддуни -
цивилизациясидаги ўрни.**

Имон ва маслак масаласи тарихан муайян дунёқараш билан диалектик алоқадорликда бўлиб келган. Муайян олий ибдидо (Худо) ёки олий ижтимоий мақсад ифодаси бўлган

ғояга индивидларда комил ишонч руҳи ва унинг асосида халқ оммасида қарор топадиган маслак одамларни-одамларга, халқларни-халқларга руҳан яқинлаштирган ҳолда шу жараёнда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳукукий вазифаларни бажаришда муҳим восита бўлиб келган.

130 йил мобайнида мустамлака асоратида яшаган. Ўзбекистон халқларини тарихий хотирадан маҳрум этиш, уни бой маънавий маданиятини қадрсизлантириш учун олиб борилган изчил сиёсат ҳаётнинг барча жабҳаларида ўз асоратини қолдирди. Ана шу боисдан Ўзбекистон Конституциясининг 4-моддасида бу ҳудудда “истикомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилади” дейилган.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш ўринлики, мустақиллик йилларида, Асосий Қонунимизга таяниб туриб, республикамызда жуда катта ташкилий-тарбиявий, маъданий-маърифий ишлар амалга оширилди. Жумладан, “Авесто”нинг 2700 йиллигини тантанали нишонлаш муносабати билан Ўзбекистон халқлари жаҳон цивилизацияси тараққиётига беҳад катта ҳисса қўшганликлари илмий жихатдан ҳар томонлама асосланди. Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқларнинг жамиятда маънавиятни қарор топтиришдаги тарихий тажрибаларининг синтези бўлган бу китоб кўпхудочиликка ва оташпарастликка сиғинишдан яккаю ягона худо – Ахурамаздага имон келтириш, ундан нажот топишга умид сўраш орқали одамлар ва дунё халқларини руҳан яқинлаштириш мумкинлигига комил ишонч пайдо бўла бошлади. Шунинг учун ҳам инглиз тадқиқотчиси Мэрэ Бойс ҳоним Зардуштийликни билмай туриб, ҳозирги жаҳон динлари асл моҳиятини англаб олиш қийин, дейди. Чинданда ҳозирги замон цивилизацияси яккахудочиликка сиғинишга асосланган жаҳон динларининг қарор топиши билан узвий боғлиқ десак, хато бўлмайди.

Яна бир ҳақиқат шундан иборатки, Ўзбекистон Турон деб номланган ва жуда кўп ҳудудларга тарқаб кетган турк қабилалари масканининг марказида жойлашган. Иқлим шароитининг мўътадиллиги, Оврупо ва Осиё қитъалари орасида ҳамда “Буюк ипак йўли” орқали бу қитъалар бирлашадиган жойда эканлиги ҳам цивилизация тараққиёти учун ўзига ҳос ўринга эга бўлган. Яъни Осиё ва Оврупо қитъаларидаги иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларни туташтирувчилик функциясини ҳам бажарган. Бу ҳолат маълум даражада ўтроқлик турмуш тарзи ушбу ҳудудда эртароқ бошланишига сабаб бўлган. Демак, Ўзбекистон халқлари жаҳон маданий-маърифий тараққиёти –

цивилизациясига каттагина ҳисса қўшган халқлар сирасига киради, дейиш учун бутун асос бор.

**Курснинг тадқиқот
соҳаси ва предмети**

Одамзод тарихан айрим-айрим ҳудудларда яшаб, ўзига хос турмуш ва тафаккур тарзига эга бўлиб келди. Жаҳон динлари турлича маданият ва турмуш тарзига эга бўлган элатлар, халқлар ва миллатларни руҳан яқинлаштириш, уларнинг ҳамкор-ҳамнафас бўлиб чин инсонлардек яшаш кўникмаларини ҳосил этишда улкан тарихий тажрибаларга эга бўлдилар. Бироқ, катта ҳудудларда яшаётган халқларни маънавий-руҳий жиҳатдан яқинлаштириш имкониятига эга бўлган жаҳон динлари илмий-техника тараққиёти (ИТТ) ва айниқса илмий-техника инқилоби (ИТИ) шароитида глобаллашув жараёни бошлангач, имон бутунлигини таъминлаш асосида халқлар ягона мақсад йўлида муросаю мадора билан яшашга ўргатишга ожизлик қилиб қолдилар. Оқибатда жаҳон халқлари маънавий ва ахлоқий бўҳрон (кризис)ни бошларидан кечириш палласига кирдиларки, бу ҳолат индивидларни имон бутунлиги ва эътиқод собитлиги, халқлар, элатларнинг маслак яқинлиги руҳида тарбиялашдек тарихий вазифани юзага келтирмоқда. Бундай янги тарихий шароитда ҳар бир жамиятда ва бутун дунёда маънавий ва ахлоқий муҳитни соғломлаштиришда олимлар билан уламолар итифоқини вужудга келтириш муаммосини ҳал этиб, инсон руҳини поклашнинг умумий концепциясини яратиш зарурати пайдо бўлмоқда. Назаримизда бу, табиат ўз тараққиётининг Ноосфера (Ақл соҳаси) босқичига кириши муносабати билан юзага келган қатор қалтис муаммоларни ҳал этиш имконини вужудга келтиради. МДХ давлатлари эгаллаб турган катта ҳудудда имонни фақат диний тушунча, айтиш чоғда ижтимоий ва фалсафий категория ҳам эканлиги Ўзбекистонда биринчи бор докторлик диссертацияси доирасидаги тадқиқотда исботлангани юқоридаги умумбашарий муаммони ҳал этишга ёрдам бериши шубҳасиз. Бинобарин, Ўзбекистон халқлари “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” янги таҳрирдаги Конституцион қонунга қатъий амал қилган ҳолда, барча диний конфессиялар ва ижтимоий-гуманитар фанлар намоёндаларини индивидлар руҳини поклаш, яъни умумий мақсад йўлида ҳаракат бирлигини вужудга келтиришда тўплаган барча тарихий тажрибаларни синтез қилиб, боши берк кўчага кириб бораётган ҳозирги замон цивилизациясини муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолиш ишига муносиб ҳисса қўшишлари мумкин.

Инсон руҳини поклаш ва одамни инсон (жамиятлашган индивид)га айлантириш борасида тарихан тўпланган тажрибаларни умумлаштириш, уларни илмий таҳлил этиш орқали глобаллашув жараёнига мувофиқ яшаш қобилиятига эга бўлган баркамол инсонларни тарбиялаш йўллари кўрсатиш ушбу курснинг тадқиқот йўналиши соҳаси ҳисобланади. Имон бутунлиги, эътиқод собитлиги руҳида тарбияланган индивидларгина тарихан шаклланган цивилизацияни сақлаб қолиш, уни Ноосфера даври талаблари асосида янги, юқори босқичга кўтаришга қаратилган яъни умумий ижтимоий ҳаракат тимсолларига айлана оладилар. Шу жараёнда элатлар, халқлар,

миллатларда глобаллашув жараёни муаммоларини биргаликда ҳамкор ва ҳамнафаслик муҳотида қадам-бақадам ҳал этиб бориш заруратини англаб олиш руҳини қарор топтириш мумкинки, бу уларда одам—олам муносабатларида янгича дунёқараш ва шунга мувофиқ келадиган ялпи умумий маслак шаклланишига йўл очилди, деб ҳисоблаймиз. Ушбу курсда талабалар умумбашарий муаммоларни ҳал этиш йўллари, воситаларини англаб оладилар, бунда мафкуранинг ўзига ҳос ўрни ва ролини илмий жихатдан мушоҳада қилиш қобилиятига эга бўладилар.

Имон масаласига
муносабатнинг ўзгариб
бориши.

Собик шўролар даврида марксча фалсафа доирасида шаклланган большевизм ўзига ҳос дунёвий дин кўриниши тусига киришида коммунистик мафкура ҳал қилувчи рол ўйнади. Шу жараёнда марксча ва ленинча фалсафа илмийликдан узоқлашиб, мутаассиблик дини тусига кирди. Маълумки, христианлар Ота худо, Ўғил худо ва муқаддас рух, яъни уч юзли якка худога сиғинадилар, унга имон келтириб, эътиқод (ихлос) қиладилар. Марксча ва ленинча фалсафий оқимга асосланган дунёқарашни индивидлар имони ва эътиқодига ҳамда халқ оммасининг маслагига айлантириш учун большевиклар кучли, таъсирчан мафкурага асос солиб, Россия аҳолисининг аксарияти тарихан православиега эътиқод қилиб келгани учун уларга одам-олам муносабатларига нисбатан диний қарашларига яқин келадиган ғояни илгари сурдилар. Бунга кўра, Маркс – ота Худо, Ленин – бола Худо ва коммунизм ғояси муқаддас рух тусини олди. Агар христианликда қачонлардир ҳалоскорнинг келиш ва оламда адолат тикланишига ишонч ва эътиқод (имон) етакчи майл бўлса, большевизмда ишчилар ҳамда барча мазлумлар бу миссияни бажаришларига қатъий ишонч руҳини қарор топтириш ўша давр мафкурасининг асосига қўйилди. Динларда, жумладан, христианликда жамият икки тоифа – христианлар, яъни худо ёрлақолганлар ва антихристлар, яъни худонинг қаҳрига учрашга маҳкум этилганларга бўлиниб, бир бутун жамият икки қарама-қарши тоифаларга парчалаб юборилса, большевизмда у пролетар (йўқсил) ва буржуа (эзувчи) – антогонистик синфларга бўлиб юборилади. Бу дунёда барча зулм-ситамлар, адолатсизликлар негизида бировларнинг кучидан фойдаланиб, айш-ишратда яшайдиган ана шу баднафс “Эзувчи синф”га қарши ҳаёт-мамот кураш олиб бориш жараёнида коммунистик (умумий мулкка асосланган) жамият барпо бўлиб, моддий бойликлар тақсимотининг ҳар кимга қобилиятига яраша ва ҳар кимга эҳтиёжига яраша тамойилига ўтилади, деган ғоя мафкуранинг асосига қўйилди. Бу, христиан ва ислом динларидаги жихатни эслатарди. Шунинг учун ҳам рус файласуфи Бердяев большевизмда динларга ҳос барча унсур бор, деган эди. Дарҳақиқат, большевизм ўз уч юзли худосига, азиз-авлиёлари (Сиёсий бюро аъзолари), ўз мухлислари (коммунистлар, комсомоллар, пионерлар)га, ўз Каъбаси – Кремлига эга эди. Барча динлардаги мутаассиблик кўринишидаги ўзга эътиқод эгаларига қарши мурасасиз кураш олиб боришдан иборат мафкуравий йўналишга эга эди. Бундай шароитда «имон» сўзини ишлатган

кишилар диндорликда айбланар эдилар. Чунки Маркс ҳам, Ленин ҳам ўз асарларида «имон» ва «дин» ни айнан бир маъноли тушунчалар ҳисоблаб, шунга мувофиқ муносабатда бўлган эдилар. Ана шунинг учун ҳам имон масаласи узоқ йиллар илмий–тадқиқотлардан четга суриб келинди. Шунга қарамай, XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб айрим тадқиқотчилар фалсафий йўналишда имон муаммосига доир диссертациялар устида ишлай бошладилар. Россия, Украина, Қозоғистон тадқиқотчилари бу муаммонинг айрим жиҳатларига доир номзодлик диссертациялари ёқладилар. Имон инсон онгининг нодир ҳодисаси эканига доир рисолалар, китоблар, монографиялар нашр этилди. Марксча-ленинча фалсафага ақидапарастларча ёндошиб келган олимлар ҳеч бир далил - исботсиз бундай қарашларни даҳшатли танқид остига олдилар. Уларнинг фикрича, илм нуфузи кўтарилган жойда имонга ўрин қолмас экан.

XX асрнинг охирига келиб собиқ СССРда давлатни демократлаштириш, гражданлик жамиятини шакллантириш майли кучайиб кетди. Фикрлар хилма-хиллигига йўл қўйиш (плюрализм) майли етакчи бўла борди. Миллий ўзликни англаш кучайиб, ялпи умумий миллий-озодлик ҳаракатининг авж олиши натижасида “Қизил империя” тинч йўл билан қулади. Унинг харобалари устида қад кўтара бошлаган мустақил миллий республикаларда марксча ва ленинча ақидапарастликка асосланган дунёқарашнинг ўрнини боса оладиган ғоя йўқ эди. Бундай вазиятда аҳолининг аксарият қисми тарихан эътиқод қилиб келган диний ғояларнинг ҳақлигига ишонч, унга содиқ қолишга аҳду паймондан иборат имонга эътиқод қила бошлади.

Агар большевиклар 1917 йилгача бўлган диний қарашлардан озик олиб шаккланган маънавий қадриятларни нигилистик инкор этиб, ҳаммасини буржуа дунёқарашининг сарқити деб эълон қилган бўлсалар, мустақиллик олдидан ва ундан кейин руҳонийлар ва уларнинг ортидан кўр- кўрона эргашган зиёлилар фақат диний мазмундаги имон ва эътиқоднигина тан олишга даъват этдилар. Бундай шароитда имон нафақат диний, балки инсон (жамиятлашган индивид) онгининг нодир ҳодисаси сифатида у илмий ва фалсафий қадрият ҳам эканлигини исботлаш ҳам миллий, ҳам умумбашарий аҳамият касб эта бошлади. Бу курсда ана шунга ҳам эътибор қаратилган.

Имонга илоҳий ва фалсафий қарашлар

Барча динлар, хусусан буддавийлик, христианлик, ислом каби жаҳон динлари ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятларни ворислик сифатида сақлаб қолиш, эъзозлаш, уларни ҳайрли анъаналарга айлантириш борасида улкан тарихий тажрибага эгадир. Ислом ва христианликдаги машҳур илоҳиётчилар эса имон ҳамда унинг маънавий ва руҳий даражаларини таҳлил этиш жараёнида ибратли фикрлар, ғояларни илгари сурганлар.

Жаҳон динлари инсон онгини олдиндан белгиланган мақсад томонга йўналтира оладилар. Улар динлардаги бош ва асосий ғояларни қудратли мафкуравий воситалар орқали индивидларнинг имонига

айлантириш социал механизмини ишлаб чиққанлар. Демак, уларнинг бу соҳада тўплаган тажрибаларини таҳлил этиб, янги шароитда улардан ижодий фойдаланиш бўйича чуқур ва кенг ҳажимда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш зарурияти пайдо бўлди.

Муайян сўз ёки сўз бирикмаси илмий ёки диний тушунча ҳолига келгач, у ўзида маълум бир ижтимоий мазмунни ифодалайди. Сўз тушунча ҳолатида ҳам муайян мазмунга эга бўлади, чунки одамзод сўзлардаги тушунчалар орқали миллий ўзликни, диний мансубликни, ўзини–ўзи англаб етади. Аммо сўз (сўз бирикмалари) тушунча ҳолига келса, нарса, ҳодиса, жараёнларнинг туб моҳиятини билиб олишга имкон туғдиради. Агар сўз илмий категорияга айланса, ундаги умумлаштириш миқёслари асосли, далилланган, ижтимоий аҳамияти бекиёс самарали бўлади.

“Имон” сўзининг диний тушунчаси муайян олий ибтидо (Худо ва унинг ваҳйлари)га ишонч ва бу ишончига оғизда иқрор бўлиб, амалда унга содиқ қолишни англатади. Илмий фалсафада ҳам “имон” тушунчаси орқали маълум бир олий ижтимоий мақсад ифодаси бўлган Бош ва асосий ғояларга ишониш, бу ишонч асосида фаолият йўналиши белгилаш, ҳаёт маъносини инсонийликка мос тарзда англаш, яъни амалиётда ўз ихтиёри билан қабул қилган, унга эътиқод (ихлос) қўйган бош ва асосий ғояларга содиқ қолиш маъносини англатади. Демак, имон муайян дунёқарашнинг индивид феъл-атвори, амалиётида моддий ва маънавий тусга киришидир. Шу жиҳатдан диний ва илмий-фалсафий йўналишдаги имон тушунчасида муштараклик мавжуд.

Фақат “имон” тушунчасидаги мазмунни англашга ёндашувларда фарқ бор. Аммо икки ҳолатда ҳам инсон руҳини поклаш воситаси сифатида имон тушунчасининг ижтимоий аҳамияти бекиёсдир.

Ушбу курс жараёнида магистрлар бу ҳақиқатни чуқур англаб олиш имкониятига эга бўладилар.

Хулоса: а) Ўзбекистон халқлари тарихан ҳозирги замон жаҳон цивилизациясига улкан хисса қўшишган; б) имон тушунчасининг илмий талқини курснинг тадқиқот соҳаси ва предмети ҳисобланади; в) имон масаласига ёндашувлар тарихан ўзгариб борган; г) имонга илоҳий ва фалсафий қарашларда айниқлик ва тафоввут мавжуд.

Калит сўзлар: Олий ибтидо, Олий ижтимоий мақсад, Тамаддун, маслак, имон келтириш, бўҳрон (кризис), инсон руҳини поклаш, диний конфессиялар, виждон эркинлиги, умумбашарий муаммолар, кучли, тасирчан мафкура, Уч юзли Якка худо, буржуа сарқити.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ўзбекистон халқлари жаҳон цивилизациясига қандай хисса қўшганлар?
2. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қандай ишлар амалга оширилди?
3. Нега зардуштийлик динини билмай туриб, жаҳон динлари моҳиятини англаш қийин?
4. Жаҳон динларининг тарихий ҳизматлари нимадан иборат?

5. Инсонлар руҳини поклашнинг қандай йўллари, услублари, воситалари мавжуд?
6. Имон бутунлиги, эътиқод собитлиги деганда нима тушунилади?
7. Нега СССР даврида барча динларга қарши муросасиз ғоявий кураш олиб борилди?
8. Большевизм қандай тусга кирди?
9. Нега имон муайян дунёқараш билан ўзаро боғлиқ бўлади?

I- БЎЛИМ

Имон ҳақидаги мулоҳазалар

Ғарб мутафаккирлари имон ҳақида.

Сўз сеҳрли кучга эга.

Имон тушунчаси муайян дунёқараш билан узвий боғлиқлиги учун ҳам у ҳар доим бахс-мунозараларга сабаб бўлиб келган. Дунёқараш билан боғлиқ бўлган сўз, тушунчалар гўёки бир сеҳрли куч каби одам онгига, ҳис-туйғусига кучли таъсир этиб, одам табиатидаги турлича ҳис-туйғу (эмоция)ларни уйғотиб юборади. Тушунчаларни талқин этишда муайян дунёқарашнинг таъсири катта бўлади. Шу жиҳатдан битта тушунча турлича мазмун-моҳиятга эга бўлиши мумкин. Маълум тарихий даврда яшаётган одамлар ва жамоалар онгига, психикасига ҳамоҳанг фикрлар, ғоялар ифодаси бўлган тушунчалар ҳақида гап борса, ундай ҳолатда мазкур одамлар ва жамоаларда ижобий ҳис-туйғулар вужудга келади, бинобарин, ўзларининг субъектив онглари учун қадриятли ҳисобланган, улар учун ҳақиқат мақомига эга бўлган ўшандай қарашлар, нуқтаи назарларни қабул қилишлари осон кечади. Мабодо индивидуал ва ижтимоий онгда тарихан қадрли ҳисобланиб келинган ва албатта дунёқараш билан алоқадор сўзлар, тушунчалардаги мазмун, моҳият янгича талқинларда баён этилса, унда одамлар ва жамоаларда салбий ҳис-туйғулар вужудга келади ва албатта ўзларининг тарихан шаклланган тафаккур тарзларига мувофиқ келмайдиган қарашлар ифодаси бўлган бундай сўзлар, тушунчаларни на фақат инкор этадилар, шу билан бирга янги талқиндаги тушунчаларга қарши курашишни, уни мулоқотга киритмасликни бурчлари ҳисоблайдилар. Воқеликдаги ўзгаришлар билан бирга айрим кишилар ёки кишилар гуруҳлари фикрларида, қарашларида, ё ижтимоий соҳада кенг қўлланиб келинаётган ва одамлар феъл-атворлари, ҳатти-ҳаракатлари учун дастуруламал вазифасини ўтаётган тушунчаларга нисбатан янгича талқинлар мафкуравий воситалар орқали у қаршиликларни енга олса, ижтимоий тараққиёт ва инсон камолоти учун янги уфқлар очилади.

Турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, синфлар, элатлар, халқлар, миллатлар муайян тарихий даврдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-рухий қарашлари билан фарқ қилсалар-да, аммо улар одам деб аталадиган битта турга мансуб яхлит социал организм эканликларини англашларига имкон берадиган тушунчаларга ҳар доим эҳтиёж сезадилар. Бироқ, ўз шахсий, гуруҳий, миллий манфаатлари ва албатта тарихан қарор топган тафаккур ва турмуш тарзларига мувофиқ келадиган тушунчалардаги мазмунни турлича талқин этиш натижасида улар ўртасида ажралишлар, руҳан бир-бирларидан узоқлашишлар пайдо бўлиб, шу негизда юзага келадиган зиддиятлар ўз вақтида хал қилинмаса, улар ўзларининг қарама-қарши томонларига оғиб кетиб, катта-катта можаролар, ҳатто қирғинбарот урушлар келиб чиқишига кўхна тарих гувоҳдир.

Табиат ИТТ ва ИТИ туфайли ўз тараққиётининг янги босқичи – Ноосфера даврига кириши боис одамзот яшаётган Ер планетасида янги-янги муаммолар келиб чиқмоқда. Ана шуларни хал этиш учун башарият ўз нигоҳини ўтмишга, ўз тарихий хотирасига қаратмоқда. XXI аср одамлар, халқлар ҳаётида қандай аср бўлиб қолиши мумкин, деган савол барчани баббаравар қизиқтирмоқда. Глобаллашув жараёни кетаётган, халқлар, миллатларнинг бир-бирини тушуниб, муроса билан яшаш малакасига эга эмасликлари, айниқса барча жамиятларда маънавий-ахлоқий бўҳрон ўз салбий оқибатларини инсоният шаънига мутлақо тўғри келмайдиган кўринишларда намоён этаётгани туфайли мутафаккирлар Ақлдек буюк қудратни фақат яратувчилик, бунёдкорлик ишларига буриб юбориш йўллари изламоқдалар. Нафақат диний қарашларда шунингдек, илмий-фалсафий тадқиқотларда одамзот имон ва имонлилик орқалигина маънавий-ахлоқий таназзулдан қутилиб, Она-табиатни ҳам, ўзини ҳам муқаррар ҳалокатдан қутқариб қолиши мумкин, деган фикрлар илгари сурилмоқда. Бироқ, имон эса фақат дин, диндорлик туфайлигина одам руҳида қарор топади, бинобарин, нажотни ўтмишга қайтишдан излаш керак, деган майллар ҳам индивидуал онг ижтимоий фикрда ҳозирча мавжуд бўлиб турибди.

Маълумки, худога имон келтириш, унинг ваҳйларига эътиқод қўйиш натижасида одамзот инсон (жамиятлашган индивид)га айланиб, ўзидаги зоологик инстинткларни енгишга ўрганиб борди. Барча динларда Худо турлича ном билан аталиб келинса-да, моҳиятан у олам (борлик) ижодкори, жумладан одамни ҳам яратиб, унинг феъл-атвори ва бутун фаолиятини ўз назорати остига олган Олий ибтидо ҳисобланади. Худонинг борлиги, унинг мўъжизаларига қаттиқ ишонган одамларда алоҳида руҳий ҳолат диний мафкура орқали қарор топтирилади. Демак, олам ўзи бир мўъжиза эканлиги, унинг бошланиши ва охирини ҳам билишга инсон онги қодир эмаслиги туфайли, худо ва унинг ваҳйларига ишонч одамларда кучли бўлади.

Бироқ, табиётшунослик ва техникашунослик фанларининг диний қарашлардан мустасно равишда ривожланиш палласига кириши жараёнида аввало Ғарб дунёси одамларида мўъжизаларга бўлган илгариги ишонч тобора сусайиб борди. Иккинчи томондан, фан-техникани тараққий эттириш, яшаш шароитларини яхшилаш эҳтиёжлари ақидавий қарашлардан холи бўлган индивидуал эркни тақоза этарди. Шундагина фикрлар парвози юзага келар, ташаббускор шахслар жамият тараққиётини тезлаштира олардилар. Ана шу сабабдан Ғарб дунёсида даставвал католик черковининг ҳукмронлигига қарши кураш жараёнида христиан динининг протестантлик оқими юзага келиб, хаддан ташқари кўп диний маросимчиликни соддалаштирди. Гўёки тасаввуфдаги дил эътибор деган ғоя ғарбча шаклда намоён бўлди. Барибир, бу билан худога ишонч руҳи сусайиб боришида давом этди ва унинг оқибати сифатида Оврупода анъанавий таффақкур ва турмуш тарзи издан чиқа бошлаб, маънавий-ахлоқий бўҳрон кучайди ва унинг оқибати сифатида “оммавий маданият”

деб аталадиган бир дағал ва кўпол ижтимоий ҳаракат бошланиб, у Шарк халқлари ҳаётига ҳам тез суръатларда сингиб бормоқда. Бу “маданият”га ёшларда айниқса ихлос кучли суръатда намоён бўлмоқда. Уларнинг миллати, эътиқоди, ирқидан қатъий назар, ахлоқий, эстетик қарашларида, маиший ҳаётлари, кийинишларида, феъл-атворларида, дид-фаросатларида, одам-одам муносабатларида умумийлик содир бўлмоқда. Бу майлнинг ижобий ва салбий жihatларини теран англаб олиш, шунга қараб муносабат белгилаш муҳим бўлиб турибди. Бундай шароитда инсоният ва унинг кўзга кўринган мутафаккирлари ўз нигоҳларини ўтмишга қаратиб, нажот йўлини яна динда деб билсалар, бошқалар имонда кўрмоқдалар. Аммо имон ва имонлилик фақат динлар орқали қарор топиши мумкин, деган ғоя барча жамиятларда ҳозирча етакчи тенденция бўлиб турибди.

**Имон тушунчаси талқинидаги
рационаллик ва иррационаллик.**

Ғарбий Оврупо файласуфлари одам ўз ҳайвоний инстинктлари (олғирлик, вахшийлик, ўз истакларига ғайриинсоний усуллар билан эришишга интилиш ва х.к.)дан батамом холи бўлишида имоннинг хал қилувчи ролига муносиб баҳо берган ҳолда, уни фақат худога ишонган кишилар тимсолидагина кўрадилар. «Ақидаларсиз ахлоқ йўқ», агар жамият моддий манфаатлар ва ўринсиз дабдабазлик йўлидаги вахшиёна урушларда йўқ бўлиб кетишни истамаса, «Олий руҳ иродаси кўргазмалари»га итоат этмоғи керак, - деган эди француз файласуфи Ш.Пэйо. Шу нуқтаи назаридан келиб чиқиб, Пэйо ахлоқий имон концепциясини илгари суради. Унингча, ахлоқий имонга эга шахсларгина ҳозирги замон жамиятларини қайта қуришлари мумкин. У имон ҳақиқат билан узвий боғлиқ бўлиб, одамнинг нарсалар ҳақидаги тасаввурининг реал воқелик билан уйғунлигига қараб кадр топади, деган фикрни илгари суради. Демак, Пэйо рационалликни иррационаллик билан алоқада олиб қарайди. Пэйо имонни ишонч маъносида талқин этиб, уни инсон иродаси, кутиши, фаразлари, садоқати, истаклари, шубҳалари билан боғлайди. Имон ишонч маъносида ақлий ва ҳиссий билиш ходисаси сифатида намоён бўлади, деб ҳисоблайди. «Биз бутун вужудимиз билан ишонамиз, - дейди у ва давом этиб, - тасдиқ ҳукми на фақат бизнинг ақлимиз ва ҳис-туйғуларимизни, балки бутун руҳий оламимизни қамраб олади».

Пэйо имон ва маслакни ғоя билан боғлайди, аммо у ғояни фаҳм-фаросат, ақл-идроқ, мулоҳаза билан қориштиради. Ғояни эса конкрет тарихий давр воқелиги билан боғламай, уни «соф» ҳолда кўради. Баъзи кишилар ўз ғоялари билан воқелиқдан ўзиб кетиб, истиқболни равшан тасаввур этадилар ва одамларни ўз ғоялари тўғрилигига ишонтириб, қудратли ҳаракат бирлигини вужудга келтиришлари заминидан улардаги ўтмиш билан боғлиқ чуқур билим, ўткир зеҳн, мустаҳкам ирода, яъни теран фикрловчи инсон борлиғи ётганини кўрмайди.

Гарвард университетининг профессори Уильям Джемс диний имоннинг фаол ҳимоячиси сифатида «Худосиз дунёқараш – ақлсизликдир, худони четлаб ўтишга интиладиган дунёқараш бўлиши мумкин эмас», зеро, диний дунёқараш фикрловчи мавжудот бўлган одам табиатига мувофиқдир, чунки худо «Имоннинг асл объектидир», - дейди у.

Фикрловчи, демакки, маънавий олами билан бошқа тирик организмлардан фарқ қилувчи мавжудот – инсонга юксак ғоя ва тимсоллар албатта зарур, деганда Джемс ҳақ. Бироқ, бу ғоя ва тимсолни у фақат худога, теизмда кўради, бошқа илмий-фалсафий ғоялар, реал тарихий шахслар тимсолларини у эътибордан соқит қилади.

Айни чоғда Джемс ўз концепцияси доирасида имон нодир ҳодисасини психологик таҳлил этиб, имонни реал воқелик билан ҳам боғлаб шахсий маслак, ахлоқий маслак, истак-ҳохишга асосланадиган ишонч каби кўринишларга ҳам эга деб ҳисоблайди. Бундай имонни у имконият, гипотеза, ҳиссиёт, ҳохиш, ҳақиқат тушунчалари билан боғлайди. Унинг фикрича, ҳақиқат далиллар таҳлил этилгандагина аён бўлади. Далил ва ҳақиқат муносабатларида ишонч маъносидаги имон шаклланади.

Кўпинча биз нимага ва нега ишонаётганимизни ҳам англамаймиз, дейди Джемс. Биз, дейди у, «молекулаларга ва энергиянинг сақланишига, демократияга ва тараққиёт зарурлигига, протестантизмга ишонган ҳолда, «ўлмас Монрэо доктринаси» олдида ўзимизни бурчли ҳисоблаймиз, биз бу номга арзимайдиган шундай асосларга ҳам ишонаверамиз». Одамзот ҳар доим ҳақиқатга интилади, шунинг учун ўз мақсадларига эришиш учун унинг ҳақлигига ишониш зарур, шундагина мақсад йўлида собитқадам курашчига айлана олади. Эмоционал ҳохиш ва интилиш одамда ишончдан аввал пайдо бўлади, аммо ишончдан кейингина ҳаракат юзага келади. «Бироқ, - дейди Джемс, - ҳақиқат бор ва унга бизнинг ақлимиз етади, дейиш икки жихатга эга: ҳақиқатга ишонишнинг эмпирик ва мутлоқ усуллари бўлади». Агар айрим кишиларда қизғин истак-ҳохишга асосланган ишонч бўлмаганда, фан ҳозиргидек парвоз қила олмаган бўлур эди, дейди у. Шундай қилиб, Джемс инсон табиати ва ижтимоий моҳиятида ишонч маъносидаги онгнинг нодир ҳодисаси – имон борлигини тан олишга мажбур бўлади. Одамзод ноаниқлик вазиятида яшайди ва фаолият кўрсатади. Шунинг учун у ўз тахминлари, чамалашлари, олдиндан ниманидир хис этишлари орқали келажак режаларини тузиб, шулар тўғрилигига ишонч ҳосил қилгандагина, мақсадли ҳаракатни бошлайди. Бундай ишонч асосида келажак унинг нигоҳида қандай намоён бўлиши кўп жихатдан индивид ва муайян жамоага раҳнамолик қиладиган шахснинг билими ва кузатишларидан келиб чиқадиган тахминлари, чамалашларига боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, Джемс ўз тадқиқотларини эстетик услубда ўтказиб, дин, имон ва ишонч тушунчаларидаги умумийлик, хусусийлик ва айримликлар фарқига бормайди.

XX асрнинг кўзга кўринган хурфикр файласуфи Бертран Рассел ҳам дин, имон ва ишонч тушунчаларини айнанлаштириб юборади. Шундан келиб чиқиб, у «ноақидавий дин» яратиш зарур, деб ҳисоблайди. Бунга кўра, Космосдан келадиган ялпи умумий муҳаббат «ялпи умумий бахт-саодат»га элтиши керак. Мен муҳаббатдан илҳомланадиган, илм билан бошқариладиган яхши ҳаётга ишонаман», - дейди у. Унингча, фан нисбий ҳақиқатлар билан иш кўргани сабабли, у мутлоқ ҳақиқатни ҳеч қачон исботлай олмайди, шунинг учун илм ишончга муҳтождир. Аммо бу ишонч диний имондан тубдан фарқ қилади. «Тараққиётнинг чек-чегарасизлиги ва индустрлаштиришга бўлган бу ишонч, дарвинизм ва Библияни танқид қилувчиларга нисбатан ҳам кўпроқ» диний имонни инкор этишга олиб келади, - деган фикрни илгари суради Б.Рассел.

Рассел ишонч маъносидаги имонни ақл-идрок билан боғлиқ бўлган муайян ғояга боғлайди ва унинг қуйидаги кўринишларини изоҳлайди:

а) ҳис-туйғулар, ҳулосаларимиз билан боғлиқ бўлган ва ҳайвонларга ҳам хос бўлган ишонч;

б) хотирага асосланган ишонч;

в) кутишга таянган ишонч;

г) далилларга асосланган ишонч;

д) онгли ҳулосалардан келиб чиқадиган ишонч.

У ёки бу далилларга мувофиқ ёки номувофиқлигига қараб, ишончнинг ҳақиқийлиги ёки сароблиги аён бўлади.

Ғарб олимларидан Э.Фроммнинг фикрича, одамзот мавжудлик учун курашади ва бу кураш инсоний тус шаклига кириши учун ҳозирги динлар ўрнига ақидаларсиз, қаттиқ тартибларсиз “Тараққиёт дини” яратилса, инсон руҳи радикал тарзда покланиш палласига кириши мумкин.

Шундай қилиб, Ғарбий Оврўпо олимлари орасида имон муаммолари билан шуғулланувчилар бор бўлиб, улар дин, имон тушунчаларидаги психологик ҳолатга қараб, муносабат белгилайдилар.

Хулоса: а) «имон» сўзи тушунча сифатида одамнинг маънавий оламини мунаввар этувчи сеҳрли кучга эга; б) Ғарб дунёсида дин, имон ва ишонч тушунчалари ўртасида фарқ борлиги англаб етилмаган; в) шунинг учун ҳам «ноанъанавий дин» яратиш майллари пайдо бўлмоқда.

Калит сўзлар: сўз сеҳри, таффакур тарзи, яхлит социал организм, руҳий узоқлашиш, ИТТ, ИТИ, тарихий хотира, маънавий-ахлоқий бўҳрон, Ақлдек буюк қудрат, имон, нажот, инсон (жамиятлашган индивид), зоологик инстинктлар, Олий ибтидо, худо ваҳйлари, мўъжизаларга ишонч, индивидуал эрк, протестанлик, дил эътибор, “оммавий маданият”, ҳайвоний инстинктлар, ахлоқий имон концепцияси, рационаллик ва иррационаллик, ялпи умумий бахт-саодат, ишонч маъносидаги имон, “Тараққиёт дини”, “Имон” сўзи сеҳри.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Сўз қайси ҳолатларда сеҳрли кучга эга бўлади?

2. Қайси ҳолатларда ижтимоий тараққиёт ва инсон камолоти учун янги уфқлар очилади?
3. Дунёдаги барча одамлар битта тур эканини англашнинг аҳамияти нимада?
4. ИТТ ва ИТИ туфайли нега янги-янги муаммолар келиб чиқмоқда?
5. ХХІ асрдан одамзот нима кутмоқда?
6. Одамзот маънавий-ахлоқий таназзулдан қандай қутилиши мумкин?
7. “Оммавий маданият” қандай ижобий ва салбий жиҳатларга эга?
8. Ғарбий Оврупо мутаффақирлари имон масаласига қандай қарайдилар?

Рус олимларининг имон масаласига муносабатлари

Имон тадқиқотига салбий муносабатлар

Собик Шўролар даврида узоқ вақт файласуфлар, маълум сабабларга кўра, имон (вера) ва дин (религия) ўртасидаги ўзаро алоқадорлик масаласини четлаб ўтишга мажбур бўлдилар. Улар имонни фақат диний онгга тааллуқли ҳодиса ҳисоблаб, бу ҳақда илмийномароқ фикр билдирган тадқиқотчиларни диндорликка мойилликда айбладилар. Масалан, профессор Е.И.Шехтерман “Имон тўғридан-тўғри дин маъносини англатмаса-да, аммо материализм, хусусан марксистик диалектика қонунлари ҳеч қандай “имон” билан сиғиша олмайди”¹ – деди. Академик А.А.Александров имонни илмий билимларга қарама-қарши қўйиб, “Бизнинг давримизда айниқса имон эмас, балки жиддий изланишлар самараси бўлган ва аниқ-равшан қарорларга келиш имкониятини берадиган илмий ёндашувлар муҳимдир”², -деб масалани кескин қўйди. “Одамзот нимагадир ишонмасин, барибир, имон фақат дин бўлиб қолаверади..., нодиний имон борлиги тўғрисидаги қиёслашлар кўпинча илоҳиёт соҳилларига келиб тақалади”, - деган фикрни илгари сурди А.М.Фойгель.³

Энг юқори доираларда имон ҳақида бундай кескин фикрлар билдирилишига сабаб шу эдики, ХХ асрнинг 60-йилларидан бошлаб рус олимлари “имон” (“вера”) тушунчасини “дин” (религия) тушунчаси билан айнанлаштириш ғайриилмий қарашлар оқибати эканлигини исботлай бошлаган эдилар. Тадқиқотчилардан Ю.А.Коган ва Б.С.Роббот “имон” тушунчасини “ишонч” тушунчаси маъносида талқин этиб, шундай дедилар: “Имоннинг имондан фарқи бор. Эксперимент натижалари, фан ва ижтимоий амалиётга, шунингдек шахсий кузатиш ва тажрибага асосланадиган эътиқод ва қатъий ишонч ҳам мавжуд. Бундай ишонч ҳамма вақт ва ҳамма жойда илмий кашфиётлар учун бир туртки бўлади, ижтимоий ҳаётда эса у

¹ Шехтерман Е.И. Вера или знание. Алма-ата, 1967. – Стр. 199.

² Александров А.А. Научный поиск и религиозная вера. Москва, 1974. Стр. – 61-62.

³ Фойгель А.М. Атеистическая убежденность и жизненная позиция человека. Москва. 1978. – Стр. 29-30.

одамларни инқилобий ўзгаришларга илҳомлантиради, эзгулик ва адолат каби ижтимоий идеаллар учун курашга чорлайди”⁴.

**Диний ва нодиний
имонлар ҳақида
фикрлар**

Рус экзистенциал файласуфи Н.Бердяев ҳамда христиан илоҳиётчиларининг имон ҳақидаги фикрларига муносабат билдириб, тадқиқотчи Ю.Ф.Борунков бундай дейди: улар “Имонни инсон жонининг хусусияти сифатида, унинг ялпи умумий таснифи ҳақида фикр юритиб, ҳар қандай ишонч (вера) ва эътиқод ҳам, ўз моҳиятига кўра, динийдир, деган таассуротни вужудга келтиришга интиладилар”, ишонч ва эътиқод ҳақидаги бундай талқинлар “имон нодир ҳодисасини жиддий таҳлил этишга” монеълик қилади ҳамда “уни фақат диний ҳодиса деб эълон қилиш дин тарғиботчиларига одамларга ишончни ҳам, идеалларга ишончни ҳам диний имоннинг намоён бўлиши, деб кўрсатишга имкон туғдирмоқда”⁵.

Борунковнинг фикрича, худди бошқа атамалар талқини тарихига ўхшаб “имон” тушунчасини диний мафкура нуқтаи назаридан шарҳлаш ва унга соф диний мазмун бериш одат тусига кириб қолган. Ҳолбуки, дейди у, “имон” тушунчаси фақат диний онг ва ҳис-туйғу билан боғлиқ бўлмаган инсонларнинг ички руҳий ҳолатини таснифлаш учун ҳам қўлланиб келинади. Илоҳиётчиларга қўшилиб, файласуфлар ҳам инсон онги феномени бўлган имон категориясини психологик таснифини дин предмети билан аралаштириб юборадилар. Файласуфлар “инсон руҳининг нодир ҳодисаси бўлган имонни эмас, балки илмий далилларга зид бўлган диний таълимотнинг ўзини танқид қиладилар. Ана шу сабабдан имонни диний ҳодиса ҳисоблаб, уни фанга қарама-қарши қўядилар”⁶.

Борунков бундай дейди: “масалани бошқача қўйиш қонуний ва зарурийдир, яъни динга боғлиқ бўлмаган имон нима, у ўзи мавжудми, агар мавжуд бўлса, қандай қилиб у диний имонга айланади, чунки имон деб аталадиган ва инсонга хос бўлган алоҳида руҳий ҳолатни эмас, балки диний ташкилотлар ундан диний имонни шакллантириш учун фойдаланадилар; ҳолбуки, имон фақат диндангина келиб чиқмайди, у одамлар томонидан амалга ошириладиган билишнинг қонуний жараёнидир”⁷. “Инсон имондан қоча олмайди, чунки у ўзидан ўзи қочиб кета олмайди”. – илоҳиётчиларнинг бу фикрига эътиборни қаратиб, Борунков имон нодир ҳодисаси чуқур илмий таҳлилга муҳтож бўлиб турганига эътиборни қаратди. Чунки, Борунковнинг таъкидлашича, шахсий имон ва эътиқоднинг илмий таҳлили йўқлиги сабабли, руҳонийлар ва илоҳиётчиларнинг имон худонинг одамзотга инъоми, шунинг учун фан ёрдамида уни англаш мумкин эмас, деган фикрларини асосли илмий далиллар билан рад этиш мумкин бўлмаётир.

**Имонга илмийроқ
ёндашувлар**

70-йилларда имон феномени тўғрисидаги илмий ишлар ҳақида гап борар экан, Б.Ф. Букин ва Б.А.

⁴ Коган Ю.А., Роббот Б.С. 50 слов о вере и неверии. Москва, 1966. – Стр. 58.

⁵ Борунков Ю.Ф. Убежденность и вера. Москва. 1969. – Стр. 8.

⁶ Борунков Ю.Ф. Убежденность и вера. – Стр.-9.

⁷ Борунков Ю.Ф. Юкоридаги китоб. –7 б.

Еруновнинг “Имон ва имонсизлик чегарасида” («На грани вери и неверия») деб аталган фалсафий-психологик очеркини четлаб ўтиш мумкин эмас. Улар имоннинг шаклланишини одамнинг пайдо бўлиши билан боғлайдилар ҳамда тарихий заруриятлар туфайли ва одамзотнинг маънавий ривожланиш даражасига қараб имон ва маслак кўринишлари турлича бўлган, деб ҳисоблайдилар. “Ҳозирги одамлар ҳам, – дейди улар, – нимагадир ишонишади, нимадандир шубҳаланишади, нимагадир мутлақо ишонишмайди. Афтидан, шундай бўладики, одамзот қадрсизланган бир маслакни бартараф этиб, илгари мавжуд бўлмаган янгисини топади ва ривожлантиради. Ҳаддан ташқари тошбағирлиги билан имонни барбод этган ҳамда адолат тимсолига айланиб, ўзининг эзгулик фазилатлари билан одамлар қалбидан жой ола билган имон фидойиларини тарих билади».⁸

Улар имоннинг психологик асосларини ўрганиб, ҳеч нарсага ишонмасдан яшаш мумкинми, деган саволга жавоб кераклигига эътиборни қаратадилар. Чунки руҳий ҳолат сифатида имон ва имонсизлик бир-бирини тўлғизиб, инсон руҳий фаолиятини белгилайди. Шахснинг бир руҳий ҳолатдан бошқасига ўтиши кўринмас мўъжизавий кучлар ёки ғайритабиий кучлар борлигига ишончдан иборат ўзи қабул қилган имоннинг ҳақлигига шубҳаланиш билан боғланиб кетади. Бинобарин, одамзот оламда унинг тақдирига таъсир ўтказиб турадиган ғайритабиий, мўъжизакор кучларга ҳам, шунингдек тараққиёт қонуний ҳодиса эканлиги ва фан аксиомаларига ҳам ишониб, фаолият йўналиши белгилаши мумкин. Турли йўналишдаги диний ташкилотлар ҳар хил шаклларда, аммо моҳиятан бир маънодаги диний имонга киритиб, шахсларда ички ҳаракатлантирувчи кучни кўзғатадилар. Илмий ҳақиқатларга ишонч руҳи жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, илмий-техника тараққиёти ва индивидларни тарбиялаш соҳасидаги тадбирлар салмоғи билан боғланиб кетади. Бироқ, муайян ишончдан бошқасига ўтиш учун жуда яхши ишлаб чиқилган ва илмий жиҳатдан асосланган методика керак бўлади. Муаллифлар диний имондан ташқари илмий ҳақиқатларга ишончдан иборат ҳам индивидларда алоҳида руҳий ҳолат бўлиши мумкинлиги ҳақида фикр юритар эканлар, улар “илмий имон”, “одатий имон”, “реалистик имон”, “хулқ-атвори тартибга солувчи имон”, “субъектив таянчдан иборат имон”, “имон-эътиқод”, “мулоҳаза ва илмга яқин имон”, “дунёвий маслак” каби кўпгина тушунчаларни илгари суриб, имоннинг қуйидаги таърифини берадилар: “Имон – инсоннинг ниманидир ҳақлигини эътироф этиш тўғрисидаги ички қабулловидир”.

Букин ва Ерунов имонни уч турга бўладилар: ҳис-ҳаяжонли имон, фаҳм-фаросатга асосланган имон ва ақл-идроқка асосланган имон. Уларнинг фикрича, имон учта таркибий қисмдан ташкил топади: а) шахснинг ички дунёси – “Мени”; б) предмет тимсоли; в) уларни боғловчи муносабатлар. Биринчиси, инсоннинг ўзини-ўзи англаш, ақли ва ҳис-туйғуларининг ривожланиш даражаси, ўзи ҳақидаги фикри билан боғланиб кетади. Иккинчиси, шахс учун ҳақиқат тимсоли (образи) сифатида қабул қилинади.

⁸ Борунков Ю.Ф., Ерунов Б.А. На грани веры и неверия. Ленинград, 1974. – Стр. 3.

Инсон учун ўзи қабул қилган имон ҳақиқатми ёки йўқми, барибир, уни чин ҳақиқат деб қабул қилади. Бундай идрок этиш турли руҳий ҳолатлар бир бутун комплексини ташкил этувчи ҳис-ҳаяжон билан тутшиб кетади. Бу, аниқ-равшанлик ҳис-туйғуси, тимсол тасаввурининг янгилиги ва ёрқинлиги, бу фикрни билдирган мўътабар шахсга эҳтиром, унга бўлган ишончдир. Учинчиси эса юқоридаги каби ҳис-ҳаяжонларнинг бирлашуви инсон имони деб аталадиган туйғулар уйғунлигини вужудга келтиради.

Тадқиқотчилар илмий-техника тараққиёти ва инқилоби шароитида имон ва маслак тарихини билиш, уни бошқарадиган имоннинг шаклланиши ва ривожининг асосий майлларини белгиловчи қонунларни аниқлаш лозим, деб ҳисоблайдилар. “Фанда имон тарихи тадқиқот учун очилмаган кўриқдек турибди. Барча йўналишдаги имонлар ичида даврлар, мамлакатлар, халқлар бўйича бир тизимга солинганлиги жиҳатидан диний имон мукамаллиги билан ажралиб туради. Диний имонга яқин ёки ундан узоқ имон турларига келсак, уларнинг тарихи ўз тадқиқотчиларига муҳтож бўлиб, у нисбатан ноаниқлик вазиятидадир”.⁹

Букин ва Еруновнинг имон ва маслак, уларнинг тарихи тўғрисидаги мулоҳазага даъват этадиган юқоридаги ноёб фикрларига қўшилган ҳолда, шуни айтиш жоизки, улар ҳам имон муайян дунёқараш билан узвий боғлиқ инсон онгининг нодир ҳодисаси эканини аниқ-равшан тасаввур эта олмайдилар. Энг ачинарлиси шуки, имон ва имонсизликни оддий ишонч ва ишончсизлик руҳий ҳолати билан айнанлаштирадilar.

Имонга ақидапарастларча қарашни танқид
--

Умуман имон фақат диний тушунча ва диний қадрият, деган ҳато нуқтаи назарлардан ҳоли бўлиш учун масалага ақидапарастларча ёндашувлардан ҳоли бўлиб, имонга доир умумфалсафий категорияларни излаб топиш, муайян бош ғояни мафкура орқали индивидлар имонига айлантириш методларини ишлаб чиқиш маъқулдир. Бу масалада рус олими Д.М.Угриновичнинг тадқиқотлари эътиборга сазовордир. Унинг фикрича, диний имон эмас, балки умуман имон ялпи умумий ва барчага баббаравар тааллуқли нодир ҳодисадир. Ҳатто Угринович динлардаги руҳни поклаш (катарсис), кечирим сўраш, мулоҳаза билан қалбни бир нуқтага қаратиш, тасалли бериш, гуноҳларига иқроор бўлиш, тавба-тазарру қилиш каби бевосита диний ибодатларга доир психологик машқларни дунёвий негизларда бажаришни ҳам урфга киритиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Бошқа файласуфлардан фарқли ўлароқ, Угринович имон (вера)ни илмга қарама-қарши қўймайди, балки унинг предмети ва мазмунига эътибор қаратишни тавсия этади. Зеро, “нодиний имон принцип жиҳатидан муҳолиф сифатида илмга қарама-қарши эмас”.¹⁰ Аммо бу фикрдан тўғри ҳулоса чиқармай, Угринович имоннинг билишдаги ўрнини пасайтиради. Илм-фан тадқиқотчининг имон-эътиқодисиз ҳам ривожланаверади, деб ҳисоблайди. У

⁹ Букин Б.Ф., Ерунов Б.А. На грани веры и неверия. – Стр. 114.

¹⁰ Угринович Д.М. Психология религия. Москва, 1986. – Стр. 112.

диний имон тарихий ҳодиса бўлиб, имон ўзи эса инсон (жамиятлашган индивид) онгининг нодир ҳодисаси сифатида абадийликка доҳил эканини англамайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, файласуфларни диний ва нодиний имонлар борлиги ҳамда имонни ишонч маъносида талқин этишлари беҳуда кетмади. Бундай ёндашувлар имон нодир ҳодисасини чуқурроқ, кенгроқ, асослироқ тадқиқот объектига айлантириш учун йўл очди.

Хулоса: а) Собик Шўролар даврида имон (вера)ни дин (религия) тушунчаси билан айнанлаштирилиб, имон ҳақида фикр юритиш диндорликка йўл очиш ҳисобланарди; б) XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, диний ва нодиний имонлар борлигига тадқиқотчилар эътиборни қарата бошладилар; в) имонга илмийроқ ёндашиш жараёни бошланди; г) имон муаммосига ақидапарастларча ёндашувни танқид этишга киришилди.

Калит сўзлар: нодиний имон, ғайриилмий қараш, ишонч тушунчаси, одамларга ишонч, идеалларга ишонч, имон – инсон онги феномени, имон алоҳида руҳий ҳолат, асосли илмий далиллар, маслак, нимагадир ишониш, нимадандир шубҳаланиш, илмий ҳақиқатларга ишонч, илмий жиҳатдан ишланган методика, “илмий имон”, “одатий имон”, “реалистик имон”, “ҳулқ-атворни тартибга солувчи имон”, “субъектив таянч-имон”, “имон-этикод”, “мулоҳаза ва илмга яқин имон”, “дунёвий маслак”, ҳис-ҳаяжонли имон, фаҳм фаросатга асосланган имон, ақл-идроқка асосланган имон, руҳни поклаш, кечирим сўраш, қалбни бир нуқтага қаратиш, тасалли бериш, гуноҳларга иқроқ бўлиш, тавба-тазарру.

Такрорлаш учун саволлар

1. Нега собик Шўролар даврида имон тадқиқотига салбий фикрлар билдирилди?
2. Имон (вера) ва дин (религия) тушунчаларини айнанлаштириш нимага олиб келди?
3. “Ишонч” имон бўла оладими?
4. Имонни диний мафкура нуқтаи назаридан шарҳлаш қандай салбий оқибатлар олиб келади?
5. Имон инсон онгининг нодир ҳодисаси (феномени) деганда нима назарда тутилади?
6. Нега имонни илмга қарама-қарши қўйишади?
7. Нодиний имон тўғрисидаги фикрларга қандай қарайсиз?
8. Нега имон чинакам илмий таҳлилга муҳтож?
9. Собик Шўролар даврида имон тадқиқотчилари йўл қўйган ҳатолар нимадан иборат?
10. Россия файласуфларининг диний ва нодиний имон борлиги тўғрисидаги мулоҳазаларининг аҳамияти нимадан иборат?

Имоннинг жиддий тадқиқот объектига айлана бориши.

**Имоннинг илмий-фалсафий
концепциясини ишлаб
чиқишга даъватлар.**

Сталин шахсига сиғиниш ва унинг оқибатларини тугатишга қаратилган сиёсат натижасида собиқ СССРда демократиянинг қандайдир унсурлари пайдо бўла бошлади: фикрлар хилма-хиллигига озма-оз бўлса-да йўл қўйиш туфайли «дин» ва «имон» тушунчаларига нисбатан янгича ёндашувларнинг юзага келиши инсон онгининг нодир ҳодисаси бўлган имон муаммосига қизиқишни орттирди. Ўтган асрнинг 70-80-йилларида собиқ Шўролар даврида ушбу муаммо ечимини топишга қаратилган 5 та номзодлик диссертацияси ёқландики, бу имон жиддий тадқиқот объектига айлана бораётганидан далолат эди.

Тадқиқотчи А.Д.Назаров 1977 йилда Свердловскда «Имон – фалсафий-социологик муаммо сифатида» мавзуида номзодлик диссертацияси ёқлади. Унинг таъкидлашича, имонни тушуниш ва таҳлил этишга қаратилган адабиётларда етарли даражада ишлаб чиқилган яхлит фалсафий таълимотнинг йўқлиги бу муаммога ёндашувларда бир-бирини инкор этадиган қарашларни юзага келтирмоқда. Тадқиқотчи олимлар ўз фаолиятларида, феъл-атворларида ҳақиқатлигига ишонган ва эътиқод қўйган ғоялари, назариялари, тамойилларигагина амал қилишга эътиборни қаратадилар. Шунинг учун ҳам Назаров олимлар биргаликда имоннинг илмий-фалсафий концепциясини яратишга киришишлари зарур, деб ҳисоблайди.

Назаров ишонч маъносигаги имон генезисини одамзоднинг пайдо бўлиши ва яшаш учун биргаликда курашиш фаолияти билан боғлайди. Бундай ишонч руҳи ҳеч қандай дин билан боғлиқ бўлмаган ҳолда одамларнинг бирлашишлари, биргаликда меҳнат қилишлари ва ташқи хужумлардан сақланишларига ёрдам берган. Бундай ишонч билимдан, идеал тузилган режалардан амалиёт фаолиятига ўтишдаги ноаниқ вазиятларда, олдиларига қўйган истак ҳолидаги мақсадни рўёбга чиқаришда ахборот тақчиллигини тўлдиришда ўзига хос боғловчилик ролини бажариб келган. Шу жараёнларни тушуниш учун «айният ишонч», «мувофиқ келувчи ишонч», «ҳиссиётга асосланган ишонч», «ақл ишончи» каби атамаларни қўллашни Назаров тавсия этади. У имон тушунчасини эътиқод тушунчасидан амалда ажратади.

**Билиш жараёнида имон
тушунчасининг ўрнига
муносабат.**

С.И.Иваненко 1980 йилда Москвада рус православ дини манбаъларига асосланиб, имон нодир ҳодисаси тўғрисида номзодлик диссертацияси ёқлади. Диний имон илмий жиҳатдан таҳлил этилиб, етарли даражада ўрганилмагани боис, дейди у, фалсафий адабиётларда имон генезиси масаласида бир-бирини истисно этувчи фикрлар тўлиб-тошиб ётибди. Умуман, имон ва диний имонлар ўртасидаги алоқадорлик масалалари ўрганиб чиқилмаган ҳолатда «нодиний имон» борлиги айтилса-да, у илмий жиҳатдан асосланмаган.

Иваненко Гегель ва Ойзерман асарларига таяниб туриб, диний имон генезисини фалсафий фикрлар пайдо бўлишига йўл очган «содда диний онг» билан боғлайди ва кейинчароқ рус православ илоҳиётида бу аломатга барҳам берилди, дейди. Аммо рус православ динининг маънавий ҳаётдаги мавқеи сусайиб бориши жараёнида имонни талқин этишда фалсафий усуллардан фойдаланишга кўпроқ эътибор берилаётганини далиллайди.

Тадқиқотчининг фикрича, нафақат умуман имон, балки диний имон ҳақидаги фикрлар ҳам адабиётларда фақат кейинги йилларда учрай бошлаган. Шунинг учун ҳам имоннинг бошқа кўринишлари борлиги ҳақида фикр юритган муаллифлар бундай имон ва маслак масаласини алоҳида тадқиқ этмайдилар. Фақат диний имонни ўрганиш жараёнида инсон онгининг бу нодир ҳодисасига эътиборларини қаратадилар.

В.Л. Соболев 1982 йилда Москвада «Фалсафа ва социологияда имон тушунчаси» мавзуида номзодлик диссертацияси ёқлади. Унинг айтишича, имон муаммоси, шунингдек имон ва билим, дин ва фаннинг ўзаро муносабатлари чет элларда кенг тадқиқот объектига айланган. У тадқиқот негизида имон тушунчасининг ҳажми ва мазмунини очиб бериш жараёнида уни фақат диний мазмунда – дин феномени сифатида тор тушуниш асоссизлигини кўрсатишни мақсад қилганини айтади.

«Имон тушунчаси (фалсафий дунёқараш таҳлили)» мавзусида номзодлик диссертацияси ёқлаган (1984 й.) С.Н. Малаев дунёқараш структурасида, даставвал одам амалиётининг ҳаётий фаолияти даражасида воқеликни билишга муносабатида имоннинг ўрни ва ролини очишга бағишлаган. Имон билиш жараёнининг энг зарур таркибий қисми сифатида талқин этилган.

Ф.А. Хамутовский (Олма-ота, 1987) имон феномени (нодир ҳодисаси)ни номзодлик диссертацияси доирасида тадқиқ этиб, уни дунёқараш ва методологик жиҳатдан таҳлил этади. Ва албатта бу тушунчанинг гносеологик ва психологик жиҳатларини ўша даврдаги мафкуралашган фалсафа асосида очиб беришга ҳаракат қилади.

Юқорида айтилган фикрлардан кўриниб турибдики, собиқ СССР давлати кулаши арафасида тадқиқотчилар имон ва дин тушунчалари айнан маънодош эмаслигига эътиборни қаратганлар. Аммо улар «имон»ни кўпинча «ишонч» тушунчаси билан айнанлаштирадилар. Ҳарҳолда, тадқиқот натижаларидан маълум бўладики, имон фақат динлар туфайли инсон онгида қарор топадиган феномен эмас экан. Бироқ, унинг илмий-фалсафий мазмун-моҳияти етарли даражада ва ишонарли тарзда далилланмай қолаётганини таъкидлайдилар.

**Қадимги ва ўрта асрлар
файласуфларининг имон
масаласига доир билдирган
фикрлари.**

Тадқиқотчилар имон нодир ҳодисасини фалсафий таҳлил этиш жараёнида Қадимги дунё ва Ўрта асрлардаги файласуфларнинг бу масалага доир фикрлари, илгари сурган ғоялари, назарий хулосаларини ҳам ўрганиб

чикқанлар. Улардан маълум бўлишича, грек ва Оврупо мутафаккирлари бу феноменга бефарқ қарамаганлар.

Қадимги грек файласуфи Гераклит одамзот оламни бус-бутунича била ололмайди, унинг бу соҳадаги билимлари доимо нисбий таснифга эгадир, бинобарин, одамлар бошқа кишиларнинг фикрларига ишонганлар-, дейди. Оламни билишда Афлотун биринчи ўринга ақл-идрокни, иккинчи ўринга фахм-фаросатни, учинчи ўринга ишончни, тўртинчи ўринга киёс(ўхшатиш)ни қўйган. Демак, у ишонч маъносидаги имоннинг билишдаги ўрнига муносиб баҳо берган.

Афлотун билан Арасту олам модели тўғрисидаги қарашларини мутлоқлаштиришмаган, балки уни эҳтимоллик – ҳақиқатга яқинлик қараши сифатида талқин этиб, кейинги тушунчани имон билан айнанлаштиришган. Афлотун одамлар ўртасидаги ҳар қандай гаплар, атроф олам тўғрисида фикрлар тарзида илгари суриладиган мулоҳазалар ўзида шу фикрларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил эттириш, ихлосни кучайтириш, тингловчида бу мулоҳазалар ҳаққонийлигига комил ишонч (имон) руҳини қарор топтиришга ҳаракат тусини олади, дейди. Арасту ишонч маъносидаги имон одамнинг ўз фикрлари ҳақ бўладими-йўқми, бундан қатъий назар, унинг ҳаққонийлигига ишончдан иборат муносабатларни билдиради, деб ҳисоблаган. Одамзот ҳам фикр, ҳам билим билан иш кўради, деган Перманид. Илм фақат донишманд одамларга дахлдор, аммо у эҳтимолликка асосланган фақат ҳақиқатнома фикр, мулоҳазалар (докса) барча одамларда мавжуд бўлиб, у амалиёт аҳамиятига моликдир, дейди. Турли тоифадаги одамларнинг фикр-мулоҳазалари таъсири остида ижтимоий фикр шаклланади. Бошқа одамлар фикрларини ўзлаштириш услуби ишонч (имон)дир. Перменид ишонч тушунчасига икки хил маъно беради: биринчиси бегона, нотаниш одамларнинг фикрларини ҳақиқат сифатида қабул этиш усули бўлса, иккинчиси, ишонч ҳосил қилган фикрларнинг ҳаққонийлигига имон келтириб, уни маслакка айлантиришдан иборат. Унинг фикрича, Худонинг мавжудлигига ялпи умумий ишонч – илм билан баравардир.

Ушбу айтилганлардан маълум бўладики, кўзга кўринган Қадимги дунё олимлари «имон» ва «дин» тушунчалари ўртасида фарқ борлигига эътиборни қаратганлар.

Ўрта асрларда яшаб ижод этган Ғарбий Оврупо мутафаккирлари одамларнинг билиш жараёни ва амалий фаолиятларида ишонч маъносидаги имоннинг муҳимлигини таъкидлаганлар. Масалан, таниқли уламолардан бири А.Иппонийский имон одамлар онгида шахсий тажрибалар ва далилланган билимларни тўлдириш учун албатта зарур, аммо нуфузга ишонч ишни тезлатади ва ортиқча меҳнат сарфлашга ўрин қолдирмайди, деган. Нуфуз (авторитет) деганда у христиан илоҳиёти ва черковини назарда тутган. Унинг айтишича, нуфуз илоҳий ва инсоний қисмларга бўлинади. Имон бўлмаса, дейди у, инсоният жамиятининг ўзи ҳам мавжуд бўлмас эди.

Ўрта аср мутафаккирларидан бири Иоанн Скотт Эрцуген ишонч маъносидаги имон ҳар қандай илм учун йўл очади, деган. Альберт Великий

ишончининг алоҳида мақомига тўхталиб, ишонч илмдан олдин туғилади, зеро, у орқалигина инсон ҳақиқатни топишга мушарраф бўлади, деган.

Янги ва энг янги замон фалсафасидаги имон тўғрисидаги тасаввурларни таҳлил этар экан, Соболев у фикрларни уч босқичга бўлиб тушунтиради: биринчи босқич ишонч маъносидаги имон (вера) тушунчаси мифологик онгдан тортиб антик давр философияси орқали Ўрта асрлар фалсафаси ва илоҳиёти туфайли ривожланган; иккинчи босқичда Ғарб оламидаги янги ва энг янги давр фалсафаси орқали имонга муносабат билдирилган; учинчи босқични Соболев ўзи яшаган давр талабларидан келиб чиқиб, имон талқинини марксча фалсафа билан боғлиқ ҳолда тушунтирилади, деб ҳисоблайди.

Динга яқин ёки ундан узоқ имонга келсак, уларнинг тарихи кўп жихатдан ўз тадқиқотчиларини кутаётган ноаниқлик ҳолатида турибди, дейди Соболев.

Ушбу тадқиқотчиларнинг имон ва маслак тўғрисидаги фикрларига тўла-тўқис қўшилиб бўлмаса-да, аммо бу мулоҳазаларда жиддий ўйлаб кўришга ундайдиган рационал фикрлар ҳам кўпдир.

Ғарбий Оврупо файласуфларининг ушбу феноменга доир фикрларини таҳлил этиб, Угринович улар имонга табақавий (дифференциал) ёндашганликларини, имоннинг бошқача кўринишлари ҳам борлигини эътироф этганликларини таъкидлайди. Угриновичнинг нодиний имон мавжудлигини тан олиши имонни диний ташкилотлар томонидан монополия қилишга, яъни динсиз имон бўлиши мумкин эмас, деган тенденцияга барҳам беришда муҳим роль ўйнайди. Зеро, диний имон таянч-ишончдан иборат умумфалсафий имоннинг тарихий бир шакли бўлиб, уни илмий-фалсафий тадқиқот объектига айлантиришнинг гносеологик ва психологик аҳамияти бордир.

Собиқ СССРда сиёсий (радикал) атеизмни* қарор топтириш учун барча динларга кенг халқ оммасида салбий муносабатларни туғдириш учун кучли, қудратли коммунистик мафкура орқали изчил ғоявий таъсир кўрсатиш кампанияси кетаётганда, имон ва дин ҳақида юқоридаги каби фикрларни ўртага ташлаш учун албатта жасорат керак эди. Олимлар орасида коммунистик ақидапарастлик қўйган ғоявий тўсиқларни ёриб ўтиб, ишонч маъносида имонга муносабат билдириш фикрлар ривожига йўл очди. Шу нуқтаи назардан қараганда Д.М.Угриновичнинг «Дин психологияси» («Психология религии».-М., 1986) монографиясининг нашр этилиши имонни илмий таҳлил этиш учун йўл очди, десак хато бўлмас. Назаримизда, умумфалсафий аҳамиятга молик тушунча, категориялар масаласига эътибор бериш лозимга ўхшайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Угринович имон

* Атеизм сўзи грекча сўз бўлиб, “а” – йўқ, teos – худо, яъни худони инкор этиш ёки худосиз, демакдир.

Атеизмнинг тарихан турли кўринишлари бор: 1) радикал (ёки сиёсий) атеизм “худо” сўзи остидаги англашиладиган ғояни инкор этади, у ҳозирги замон материализми, айниқса, марксизм, ленинизм ва позитивизмга хос қарашлар мажмуидир. 2) агностиқ атеизм – агар худо мавжуд бўлса, уни қандайдир ҳолда одамлар билиб олишлари кераклигига эътиборни қаратади. Бундай атеистик қарашлар қадимги Греция файласуфлари орасида тарқалган бўлиб, Демокрит ва сўфий (Протогор, Торгий ва б.)лар, Эпикур мактаби тарафдорларига хосдир.

муаммосига нисбатан ақидавий қарашларга барҳам бериш учун уни барча одамларга хос ялпи умумий ва мажбурий феномен ҳисоблаш керак, деган нуқтаи назарда туради.

Оврупопарастлик
(Европацентризм) майлларининг
имон муаммосини концептуал ҳал
этишга монёлиги.

Имон кўринишларини туркумлашда турлича, кўпинча бир-бирига мутлақо қарама-қарши фикрлар мавжуд. Имоннинг айрим жихатларига эътибор беришга қараб,

ҳар бир тадқиқотчи унинг кўринишларини ўзича туркумлайди, предмети, объекти, функцияси, шакллари, генезиси ва моҳиятини аниқлашга интилади. Тадқиқотчиларнинг барчаси имон инсон онги билан боғлиқ ходиса эканини айтиб, диний ва нодиний имон борлигига эътиборни қаратишади. Имон тушунчасидаги хилма-хил қарашларнинг мавжудлиги бу феномменни илмий жихатларини аниқлаш учун интенсив изланишлар бошлаганидан далолат беради.

Ўтган даврларда яшаган мутафаккирларнинг имон масаласига доир тарихий-фалсафий мулоҳазаларини идрок этишга интилиш ва шу аснода у фалсафий категория сифатида намоён бўлишини кўрсатиш юқорида тилга олинган тадқиқотлардаги умумий майл ҳисобланади. Имон нодир ходисасини тадқиқ этишдаги машаққат ва мураккаблик шундан далолат берадики, у инсон онги, онгости ходисаси, хис-туйғулари, фахм-фаросати (интуицияси) ва иродаси ҳамда одамзотнинг физиопсихологик тарихий тақомилида шаклланадиган тафаккур тарзи ва структураси билан узвий боғланиб кетади. Имон нафақат ижтимоий онгнинг жаъмики шакллари билан белгиланиб қолмасдан, айтиб чоғда маданият ва фан маъно-мазмунини ва йўналишларини ҳам кўп жихатдан белгилайди.

Оврупо файласуфларининг имон муаммосига доир тадқиқотларидаги умумий камчилик, назаримизда, қуйидагилардан иборат;

1) имонни талқин этишда улар одамзот тарихий типларининг мавҳум ва конкрет меҳнатлари билан боғлашмайди;

2) имон индивидуал, кундалик (одатий) ва ижтимоий онглarning тарихий даражалари билан боғланмайди;

3) тадқиқотчилар муайян бир фалсафий мактаб нуқтаи назари ва методологияси асосида имонни тадқиқ этиб, бошқа йўналишлардаги унга муносабатларни жиддий таҳлил этмайдилар;

4) имон нодир ходисасидаги универсаллик эътироф этилган ҳолда, бундан тегишли хулоса чиқармасликлари оқибатида, уни умумфалсафий, социологик, психологик, гносеологик жихатларига жиддий эътибор бермай, катта хатоликка йўл қўядилар, яъни табиийётшунослик, ижтимоий-гуманитар фанларнинг одамзотнинг келиб чиқиши, жамият бўлиб яшашга ўтиши, тарихий тақомили, дунёқараши тўғрисидаги хулосалари билан узвий боғлаб ўрганмайдилар;

5) имон ва маслак муайян кўриниши, шаклланиши негизида маълум бир дунёқарашга хос ғоялар ва тимсоллар ётишини етарли даражада ҳисобга олмайдилар;

6) муайян ғоя ва идеалларни индивидлар ва халқ оммаси онгига сингдириб, уларнинг имони ва маслаги предметиға айлантириш учун мафкуравий-ижтимоий институтлар ва воситаларни ҳаракатга келтириш лозимлигини эътибордан соқит қиладилар;

7) диний ташкилотлар ва рухонийларнинг маълум бир Бош ва Асосий ғояларни кучли, таъсирчан диний мафкура орқали инсон имони, халқ оммаси маслагига айлантириш борасида тўплаган жуда бой тарихий тажрибаларидан ижодий фойдаланиш кераклигини назарда тутмайдилар.

Тадқиқотчилардаги оврупопарастлик майллари кучлилиги оқибатида Шарқ файласуфлари ва илоҳиётчиларининг бу масаладаги қарашларини назар-писанд қилмайдиларки, оқибатда Планетамизнинг катта қисмини эгаллаган бу қитъа халқларининг имон масаласида тўплаган бой тарихий тажрибалари жиддий тадқиқот объектиға айланмай қолиб кетади. Жумладан, араб-мусулмон олами ва Марказий Осиё мутафаккирларининг имон ва маслак тўғрисидаги қарашлари гўёки «очилмаган кўрик»дек ўз тадқиқотчилари, ўз мухлисларини кутиб ётгандек бир ҳолат намоён бўладики, имон йўналишида содир бўлган ана шу «кемтик» жойни тўлғазиш зарурати кун тартибига қўйилаётган эди. Ғарб ва Шарқ мутафаккирларининг имон ва маслакка доир қимматли фикрларини синтези сифатида Ўзбекистонда илмий-тадқиқот ишлари бошланди ва шу мураккаб муаммони ҳал этишдаги биринчи қадам сифатида дастлабки илмий-фалсафий монография ва китоб нашрдан чиқарилди. (Қаранг: Каримов И. Имон рухий ҳолат сифатида (Вера как духовное состояния). Каримов И. Имон ва инсон. Т., «Фан» нашриёти, 1991 й). Кейинчалик, 1993 йилда «Имон нодир ҳодисасининг билиш, ижтимоий, рухий жиҳатларининг фалсафий таҳлили» мавзусида МДХ мамлакатларида биринчи марта докторлик диссертация ёқланиб, фалсафий категория сифатида Ўзбекистонда имон илмий мулоқотга киритилди.

Хулоса: а) имонга фақат диний тушунча сифатида ёндашув нотўғри эканлигини исботлашга қаратилган тадқиқотлар XX асрнинг 60-йилларида эътиборан собиқ СССРда бошланди; б) билиш жараёнида имоннинг ўрни ва роли эътироф этилди; в) қадимги ва кейинги асрларда яшаган мутафаккирларнинг имон масаласига доир фикрлари тадқиқот объектиға айланди; г) тадқиқотлардаги Оврупопарастлик (Европоцентризм) майллари кучли эканлиги бу муаммо тадқиқотчиларида бирёқламаликни келтириб чиқардики, ана шу нуқсонни бартараф этиш учун Ўзбекистонда умумфалсафий методология асосида жиддий тадқиқот ишлари бошланди.

Калит сўзлар: фалсафий-социологик муаммо, имоннинг илмий-фалсафий концепцияси, ахборот тақчиллиги, имон генезиси, эҳтимоллик, ҳақиқатга яқинлик, нуфуз (авторитет), сиёсий атеизм, қудратли коммунистик мафкура, коммунистик ақидапарастлик, интенсив изланишлар, онгости

ҳодисаси, одамзот тарихий типлари, мавҳум ва конкрет меҳнат, мафкуравий ижтимоий институтлар, илмий мулоқот.

Такрорлаш учун саволлар

1. Имон масаласига доир номзодлик диссертацияларида қандай ғоялар илгари сурилган?
2. Қадимги дунё ва Ўрта асрлардаги файласуфлар имонга қандай муносабатда бўлганлар?
3. Янги, энг янги замон файласуфлари имонни қандай тушунганлар?
4. Имонга нега барча одамларга ҳос феномен деб қарашга даъват этилади?
5. Имонни туркумлашда қандай камчиликларга йўл қўйилмоқда?
6. Оврупо файласуфларининг имон соҳасидаги тадқиқотларидаги умумий камчилик нимадан иборат?
7. Имон тадқиқотларидаги Оврупопарастлик майли қандай оқибатларга олиб келди?

Имон тушунчаси кундалик (одатий) онг даражасида англашнинг гносеолик ва тарихий илдизлари

Ишончдан имон сари

Одамзот ўз физиологик ва ақлий салоҳиёти такомилида катта тарихий босқични босиб ўтгани фанга маълум. Дастлабки одамларнинг бўйи-басти ўртача 155 сантиметр, мия ҳажми 350 куб см. бўлган (Ҳозирги замон одамларининг ўртача бўйи 170 см ва мия ҳажми ўртача 1446 куб см). Шерлар каби кучга, маймунлар каби дарахтдан-дарахтга ирғиш имкониятига, куёнлар сингари чопишга ва барча ҳайвонлар болаларидек туғилиш билан юриб кетиш қобилиятига эга бўлмаслик уларда ижтимоий бирликка уюшиб, яшаш учун курашишни тақоза этарди.

Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, одамзот аввал бошдан ҳозиргидек ижтимоий моҳиятга эга бўлган эмас. Маълумки, оламда ижтимоий маҳлуқлар ҳам бор. Масалан, асал арилар, термитлар шунинг учун ижтимоий ҳайвонлар ҳисобланадики, уларда муайян тизимли тартиб-интизомлар бор, уни бузганлар албатта жазоланадилар. Ҳайвонларнинг барчаси ўзаро ахборот (информация) берадиган тилга эгадирлар. Уларда “пода онги” мавжуд. Бинобарин, ўзаро ишонч ва ишончсизлик руҳи уларнинг ўзаро алоқаларида муҳим ўрин тутди.

Фаннинг бу далиллари одамзот ҳам Ер деб аталган табиат тараққиётининг қонуний маҳсули бўлиб, у онг, тил, ижтимоий меҳнат, маънавий маданият туфайли бугунгидек физиологик ва ақлий салоҳиётга эга бўлган. Аммо бу даражага етгунга қадар у миллион-миллион йиллик тарихий-тадрижий (эволюцион) тараққиётнинг бир қанча босқичларини босиб ўтганлигини тадқиқотчилар далиллаганлар.

Ибтидоий одамлардаги ижтимоийлик унсурлари уларнинг мия ҳажмларининг кенгайиб, онгларининг ривож ва тарихий амалиётлари даражасига қараб ўзгариб борган. Яшаш учун кураш, йиртқич ҳайвонлар ҳужумини даф этиш учун улар бирлашиб ҳаракат қилишлари зарур эди. Ишонч ва ишончсизлик руҳи бу ҳаракат бирлигини зарур шарти бўлган. Чунки кимга ва нимага ишониш ёки ишонмаслик руҳи ҳаёт-мамот масаласи бўлган. Одам гала (тўда)лари оддий кузатиш, қиёслаш асосида тўплаган тажрибаларига таяниб туриб, ўз тўдаларидаги одамларга, одамларнинг бошқа тўдаларига нисбатан ишонч руҳи барқарор бўлса, алоҳида илиқ алоқа ва муносабатлар шаклланган, ишончсизлик руҳи пайдо бўлганда, дағал ва душманлик муносабатлари вужудга келиб, ўзаро жанжаллар, урушлар содир бўлган. Тарих майдонига Кромоньон типидagi одам зоти келгунга қадар, ишонч ва ишончсизлик руҳи одамлар билан одамлар, одам галалари билан одам галалари ўртасидаги алоқалар ва муносабатлар ҳаракатларини белгилаб келган. Зеро, ишонч тушунчасида аниқ тажриба ва амалиётга асосланган муносабатлар ўз ифодасини топади. Унда муайян дунёқараш билан боғлиқ ҳолатлар бўлмайди. Бинобарин, ишонч ва ишончсизлик вазияти ҳайвонларда ҳам, ибтидоий одамларда ҳам мавжуд бўлади. Ҳозирги замон одамлари билан одамлари ҳамда давлатлар билан давлатлар ўртасидаги муносабатларда ўзаро ишонч руҳи ҳукумронлик қилса, чинакам инсонийлик намоён бўлиб, урушлар, жанжаллар, террорчиликларга ўрин қолмасди. Ўзаро ишончсизлик вазиятида арзимаган баҳоналар билан ҳам катта-катта можаролар чиқадики, бу ҳали одамзот том маънода ўз ҳайвоний ўтмишидан ҳайрлаша олмаётгани, икки нафс овораси бўлиб яшашни афзал кўраётганининг аломатидир.

Имоннинг гнеосеологик илдизлари

Ер остидан қазиб олинган одам суяклари асосида аجدодларимиз тана тузилишлари тикланган. Ана шуни илмий таҳлил этган антропология, палеонтология, палеархология ва бошқа фанларнинг намоёндалари одам типларини асосан 5 тоифага бўладилар: австролопитеклар, питекантроплар, синантроплар, неандерталлар ва кромоньонлар. Дағал бўлса-да дастлабки тош қуроллар яратишни бошлаб, уни такомиллаштиргани учун питекантроп, синантроп ва неандерталлар Уқувчи одамлар деб аталади. Кромоньонларни эса фанда Ақлли одам дейилади. Бунинг сабаби шуки, кромоньонлар мияларида ривожланган нутқ тили маркази бўлиб, одамларнинг том маънода жамоа ва жамият бўлиб яшашга ўтиши шу типлардан бошланади. Тадқиқотчиларнинг баъзилари 100 минг, бошқалари 50-40 минг йил муқаддам бу тоифа одамлар тарих майдонига келган, деб ҳисоблашадилар.¹¹

Умуман олганда, “ибтидоий одамлар” билан “ибтидоий жамоалар” тушунчаларини айнан бир маънода талқин этиш илмий ҳақиқатларга

¹¹ Қаранг: Алексеев В.П. От животных – к человеку (легенды, факты, наука). Москва, 1969; Андреев И.Л. Происхождение человека и общества. Москва, 1982; Бунак В.В. Род Нота, его возникновение и последующая эволюция. Москва, 1980.

хилофдир. Чунки австролопитекларни ибтидоий одамлар тоифасига қўшиб, Уқувли одам (питекантроп, синантроп ва неандертал)ларни оралиқ типлар дейиш тўғри бўлар. Ибтидоий жамоалар ва жамиятлар кромоньонлардан бошланиб, ҳозирги замон одамларининг физиологик тузилиши ва ақлий салоҳиёти шу типга мувофиқ келади.

Одамларнинг дастлабки жамиятлари ҳайвон тўдаларидан ҳам тубанроқ бўлган. Чунки балиқ ва бошқа баъзибир ҳайвонлардан ташқари ҳеч бир ҳайвон ўз турини емайди ва айниқса ўз турини сақлашни инстинктив тарзда гомеостазисларини асраш учун кафолатлигини ҳис этишади.

Одамларнинг дастлабки жамоаларида каннибализм – одамни одам томонидан ейиш ҳодисаси бўлганлиги ер остидан топилаётган суяк парчаларидан маълум бўлади. Оч қолган кучлироқ одамлар кучсиз – қари ва ёш уруғдошларини еяверишган. Кучлилар иродасига қарши туриш қийин бўлган.

Меҳнат қуролларини такомиллашиб бориши, уларни ишлатиш малакаси соҳасида тўпланган билим, тажрибаларни сақлаш ва авлоддан-авлодга узатиш эҳтиёжлари кексаларга бўлган муносабатларни ўзгартиришни тақоза этарди. Кексалар нафақат тўпланган малакалар ва билимларни сақловчи ва авлоддан-авлодга узатувчи куч, шу билан бирга касалларни даволовчи, қийин аҳволда қолганларга ёрдам берувчилар сифатида уруғнинг энг обрўли кишилари, аста-секин уруғ бошлиқларига айланадилар. Уларнинг тажрибаси ва маслаҳатлари билан ҳайвонлар уйга ўргатилди, деҳқончиликнинг дастлабки унсурлари пайдо бўлди, ҳунармандчилик юзага кела бошлади.

Ақл-заковотли ҳисобланган кексалар уруғ ва қабилаларни бошқариб, руҳсат ва тақиқлар тизимини шакллантирадилар ва унинг бажаришини қаттиқ назоратлари остига оладилар. Айниқса бир уруғ ичидаги жинсий алоқалар тақиқланганининг аҳамияти катта бўлди: биринчидан, гўзал қизлар ва барно йигитларни талашиш жараёнида уруғнинг парчаланиб кетиш ҳавфи бартараф этилди; иккинчидан, бошқа уруғлардан қиз олиш ва қиз узатиш соғлом болалар туғилишига сабаб бўлди; учинчидан, уруғлар ўртасида қон-қариндошлик алоқалари кучайиб, қабилалар юзага кела бошлади.

Аждодлар удумларига қаттиқ риоя қилиш жамоанинг эътиқодига айлана борди. Жамоа “бошқарув пулти” ва “ижтимоий мия” функциясининг уруғ йўлбошчилари бажариб, жамоа умумий феъл-атвори шаклланди. Дастлабки пайтларда ва узоқ йиллар табу (тақиқ)ларда қандайдир сеҳрли куч борлиги ҳақида тасаввурлар бўлмаган. Уруғ жамоалари шакллангач, ўз ақл-заковатлари билан қариндош-уруғларига тўғри йўл-йўриқ кўрсатган қарилар ўлгач, улар ҳақида турли афсоналар тўқилди, урушларда мардлик кўрсатганларни ёшларга намуна этиб кўрсатиш натижасида уларда қандайдир сеҳрли кучлар борлигига ишонч руҳи сингдирила бошланди. Афсоналар, эртақлардаги ғояларга сиғиниш руҳи ибтидоий жамоа барқарорлигининг шарти бўлиб қолди. Ўша даврларнинг энг обрўли кишилари ҳисобланган сеҳргарлари, қоҳинлари дастлабки содда файласуфлар бўлиб, улар мифологик дунёқарашга асос солдилар. Маълум

бир тизимга солинган удумлар, урф-одатлар, расм-русумлар орқали қандайдир кўзга кўринмас, аммо одам тақдирини белгилайдиган сеҳрли олам борлиги тўғрисидаги ғояга ишонч туғдирила бошланди.

Афсоналардаги ғояларни тушуниш ҳам осон, ҳам мураккаб эди. Унинг тушуниш осонлиги шунда эдики, афсоналарда содда кўринган фикрлар ўша давр одамларининг онги даражасига мувофиқ келарди. Қийинлиги эса афсоналардаги чин дунёқараш негизида тотем (уруғнинг келиб чиқиши)га ва сеҳргарликка ишонч шаклланди. Тотемлар ҳайвонлар, табиатда учрамайдиган ноёб предметлар бўлиши мумкин эди. Афсоналарда тотемлашган аجدодлар хавода, сув ва ер остида юришар, дарахтга, тошга, қоя ва бошқа нарсаларга айланарди. “Айнан тотемистик жамиятларда ўлгандан кейин тирилишга ишонч вужудга келди...”¹². Ибтидоий жамоа табиатда кам учрайдиган нарсаларда қандайдир сир бор деб ҳисоблар, бинобарин, унинг ғайритабиий хусусиятларига ишонарди. Натижада табиат предметларини фетишлаштириш юзага келди. Тотем, фетиш сирли кучлар борлиги тўғрисидаги сеҳргарлик (магия)га ишонч руҳини қарор топтириш учун асос бўлди. Руҳлар борлиги, улар билан алоқа ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги тасаввур (анимистик қараш)лар ривожланиб борди. Мифологик дунёқараш билан боғлиқ бўлган ғояларга ишонч ва сиғиниш имоннинг дастлабки гносеологик илдизлари эди.

**Имонни кундалик онг
даражасида англашнинг
моҳияти**

Жамият ҳам гўёки бир тирик тана (организм) сингари ўзини-ўзи ташкиллаш, бошқариш, маълум ҳудудда яшаётган, ҳаётий эҳтиёжлар учун зарур нарсаларни ишлаб чиқараётган одамларнинг ғоявий жипслик шароитида бир-бири билан ҳамкор-ҳамнафас бўлиб турмуш кечириш учун курашишидан иборат бирликдир. Туғилишнинг тобора кўпайиши, турмуш шароити нисбатан яхшиланиб бориши оқибатида ўлимнинг камайиши уруғ-қабилачилик муносабатларига путур етказа бошлади. Натижада аввало қабила иттифоқлари, сўнгра элатларнинг ўзидан-ўзи шаклланиши турли тотем, фетишларга ишонч, уларга сиғиниш доирасида ҳамкор-ҳамнафас бўлиб яшашни қийинлаштирарди. Дехқончилик, хунармандчиликнинг аста-секин ривожланиб бориши ўтроқлик ҳаётини вужудга келтирди. Тарқоқ чорвадор ўтовлари аввал қишлоқ тусига кирди, сўнгра йирик-йирик қишлоқлар негизида шаҳарлар пайдо бўлди. Бундай янги шароитда яшаётган одамлар жамоаси индивидуал ижтимоий онгида қандайдир илоҳий дунё борлиги ҳақидаги тасаввурлар вужудга келди. “Шунинг учун жамоа яхши яшайман деса, озиқалар билан таъминланган, кимнингдир томонидан ҳимояланган бўлишни истаса, биринчи вазифаси у ўша ғайритабиий кучларни жуда ҳам ҳурмат қилиши керак эди”.¹³

¹² Соколов З.П. Культ животных в религиях. Москва, 1972.-стр. – 22.

¹³ Диншунослик. Т., “Меҳнат” нашр, 2004. –23-б.

Турмуш кечиришдаги ўзгаришлар онгга таъсир этиб, тафаккур тарзининг такомиллашиб боришига сабаб бўлди. Оқибатда янги руҳлар қудратига ишонч ва уларга сиғиниш хилма-хил турмуш тарзига эга бўлган кўп миқдорли одамларнинг ғоявий жипслигини таъминлаш мумкин бўлди. Бу эса ўз навбатида руҳлар борлиги, улар билан алоқа ўрнатиш орқали ҳаётни яхшилаш мумкинлиги тўғрисидаги тасаввурлар ривожланиб, соҳа худоларига ишонч, эътиқод (ихлос) кучайди. Тотемистик ва фетишистик қарашлар негизида худоларнинг қудратли бутлари “меҳроблар ёки черковлар ёнига ўрнатилган йирик ҳайкаллар шаклига айланди” ва улар “ибодатхоналарнинг рамзи бўлиб хизмат қилди”.¹⁴

Олам ва унда одамнинг ўрни тўғрисидаги ибтидоий жамиятлардаги тасаввурлар бошланғич босқичи воқеликни кундалик онг даражасида англаш учун кифоя қилар эди. Аммо ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, турмуш тарзининг тобора такомиллашиб бориши шароитида тотемистик, фетишистик, сеҳргарлик, анимистик қарашлар асосида юзага келган кўп ҳудучилик (соҳа худоларига сиғиниш) кифоя қилмай қолди. Илгари тор доирада ҳаёт кечирган, турли тотемлар, фетишларга сиғинган, анимистик қарашлари ҳам хилма-хил тусда бўлган элатлар, халқларнинг катта ҳудудларда биргаликда ҳамкор-ҳамнафас бўлиб яшашлари учун янги ғоялар илгари сурила бошланди. Бундай ғоя жумладан Туронда, тўғрироғи, Ўзбекистон ҳудудида Зардуштийлик номи билан юзага келди. Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да оламни яратган якка худо – Ахурамазда дунёдаги барча одамларнинг инсон (жамиятлашган индивид)лардек яшаш йўллари кўрсатганлиги батафсил баён этилади. Унда таъкидланишича, оламда эзгулик руҳи (Ахурамазда) билан ёвузлик руҳи (Ахриман – дев) ўртасида беомон курашда одам у ёки бу томонда туришга мажбур. Ахурамаздага ишонган ва сиғинган имонли одам албатта эзгулик учун курашиб, комиллик мартабасига доҳил бўлади. Бундай имонли инсонларнинг нияти эзгу, сўзи эзгу, амали эзгу бўлади. Имонли Комил Ақл эгалари курашининг охир-оқибатида ёвузлик кучлари мағлубиятга учраб, қачонлардир дунёда эзгулик қарор топади ва одамлар, халқлар чин маънода инсон бўлиб яшаш имкониятига эга бўладилар, деган ғоя илгари сурилади.

Умуман олганда, Таврот, Забур, Авестодан бошлаб “имон” тушунчасини назарий онг даражасида англаш ва уни шархлаш бошланди, дейиш мумкин. “Тарихий манбаълар шундан далолат берадики, зардуштийлик дини ўз даврида жуда кенг тарқалган ва буддизм, иудаизм, насронийлик* ҳамда ислом динларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган”.¹⁵ Дарҳақиқат, бу динлардаги Бош ва Асосий ғоялар “Авесто”да ҳам ўз ифодасини топган эди.

Жаҳон динлари илоҳиётчи (диний файласуф)лари “дин” билан “имон”, “ишонч” билан “имон” тушунчалари ўртасидаги умумий алоқадорликдан

¹⁴ Диншунослик. – 25-б.

* Муаллиф “Насронийлик” тушунчаси билан христианликни назарда тутди. Аслида “насронийлик” русчадаги “несторейство” сўзидан олинган бўлиб, у христианликдаги битта масхабни англатади.

¹⁵ Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида. Т. “Шарқ” нашр., 2000. – 8-б.

ташқари, улар мазмун-моҳиятида туб фарқлар ҳам борлигига эътиборини қаратадилар. Бироқ ҳар бир дин илоҳиётчиси ўз конфессиясига мансуб индивидларнигина имонли инсонлар, деб тушунадилар ва уни шундай тарғиб ва ташвиқ этадилар. Бошқача айтганда, улар ўзлари қадрлаган илоҳлардан бошқа Олий ибтидоларга ишонган, эътиқод қўйган, у ишончига содиқ қолиш учун аҳду паймон қилган кишиларни ғайридинлар, ҳатто кофир (ҳаром)лар, деб таъриф-тавсифлайдилар. Дин илоҳиётчиларининг бундай ёндашувлари имон умумбашарий моҳиятга эга эканлигини амалда инкор этишга олиб келиб, имон ва маслакни назарий онг даражасида билишга монъелик қилади. Натижада кенг жамоатчилик, ҳаттоки файласуфларнинг кўпи имон тушунчасини кундалик (одатий) онг даражасида муҳокама қилиб, у фақат ўзлари яшаётган мамлакатда кенг тарқалган дингагина хос ҳодиса сифатида талқин этадилар.

Имон инсон онги ва у билан боғлиқ руҳининг нодир ҳодисаси эканини инкор этиш, уни фақат кундалик онг даражасида англаб, муносабат билдириш юқоридаги каби тарихий илдизларга эгадир.

Ташқи оламни инъикос эттириш соф физиологик механизми ҳақида гап борадиган бўлса, одам сезги органлари жудаям ривожланган деб бўлмайди. Масалан, термитлар (кирчумали)лар бевосита магнит майдонини ҳис эта оладилар. Шақилдоқ илон эса кенг диапазондаги инфрақизил нурларни сеза олади. Олимларнинг фикрича, одам ўз эволюцион тараққиёти жараёнида сезиш қобилятида жиддий силжишлар бўлган эмас.

Бироқ, ҳайвонларга нисбатан одамларнинг ҳиссий қабулловида онгли меҳнат билан боғлиқ битта устунлик бор: бу ижтимоий амалиётдир. Амалиёт воқеликни ҳиссий қабулловни кенгайтириш имкониятини беради. Чунончи, пўлат эритувчилар амалиёт жараёнида қизил рангнинг ўнлаб жиҳатларини фарқлаш қобилятига эга бўладиларки, бошқалар бундай фазилатга эга эмаслар. Ҳудди шу каби қимматбаҳо металллар ва тошлардан буюм ясовчиларда ҳам шу соҳадаги сезгилари кучли бўлади. Муайян бир маҳсулот сифатини аниқлайдиган мутахассисларда ҳид ва таъм билиш сезгилари бошқаларга нисбатан беҳад устун туради. Бундан шундай ҳулоса чиқариш мумкинки, одамзот маълум бир соҳа билан жиддий шуғулланиб, яъни ижтимоий меҳнат жараёнида ўша ўзи машғул бўлган нарсага нисбатан ҳис-туйғуси ривожланган бўлади. Шундай қилиб, минглаб-ўнг минглаб иш турларида шуғулланаётган одамларнинг ижтимоий амалиёти йиғилганда, уларнинг ҳиссий қабуллови, ҳар қандай ҳайвонникига нисбатан кенг қамровли тусга киради.

Нарсалардаги хусусиятлар, хоссаларни ҳиссий қабулловида одамзот учун турли асбоб-ускуналардан фойдаланиш ниҳоятда қўл келадик, ИТИ шароитида бундай имконият тобора кенгайиб, ривожланиб бормоқда.

Калит сўзлар: физиологик ва ақлий салоҳиёт, ижтимоий моҳият, ижтимоий ҳайвонлар, ибтидоий одамлар, ибтидоий жамият, ишонч руҳи, гносеология, тахминга асосланган ишонч, хоҳиш, кутиш, умидга бўлган ишонч, Австролопитек, Питекантроп, Синантроп, Неандертал, Кромоньонлар, Уқувли одамлар, Ақлли одамлар, каннибализм, руҳсат ва

тақиқлар тизими, аждодлар удумлари, жамоа умумий феъл-атвори, сеҳргар, коҳин, мифологик дунёқараш, тотем, фетиш, сеҳргарлик, анимизм, зардуштийлик, “Авесто”, Ахурамазда, Ахриман, кундалик онг, назарий онг, конфессия.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Ишонч ва ишончсизлик нима билан боғлиқ ҳодиса?
2. Ибтидоий одамлар яшаш учун курашларида ишончнинг роли қандай?
3. Ишонч ва ишончсизлик ҳайвонларда қандай намоён бўлади?
4. Ишончнинг кўриниши қандай?
5. Имон тушунчаси ишончдан нимаси билан фарқ қилади?
6. Имоннинг гнесеологик илдизлари қандай?
7. “Ибтидоий одамлар” билан “ибтидоий жамоа” тушунчалари ўртасидаги айният ва тафовут қандай?
8. Каннибализм нима?
9. Жамиятда кексаларнинг мавқеи нега ошиб кетди?
10. Имонни кундалик (одатий) онг даражасида англашнинг илдизлари нима?

«ДИН» ва «ИМОН» ТУШУНЧАЛАРИНИ НАЗАРИЙ ОНГ ДАРАЖАСИДА АНГЛАШ МУАММОСИ.

**Билиш назарияси асосида
тушунчалардаги муҳим ва
номуҳим жиҳатларни фарқлаш.**

Жамият ўзини-ўзи ташкилловчи ва бошқарувчи система бўлса-да, унинг тараққиёти тезлашуви ёки секинлашувида инсон омили муҳим

роль ўйнаб келган. Табиат ўз тараққиётининг Ноосфера (Ақл соҳаси) босқичига ўтгач ва жаҳон ҳамжамияти глобаллашув жараёнида илгариги даврлардан фарқ қиладиган кадриятлар ва қарашларга муҳтож бўлиб яшаётган бир шароитда, барча соҳада назарий онг даражасида муҳокама юритиш ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили бўлиб турибди.

Кундалик (одатий) ва назарий онг амалий ҳаётда «соф» ҳолда ўзини намоён этмайди. Одамзот фақат назарий онг туфайли нарса ва ҳодисалар ифодаси бўлган тушунчалардаги муҳимни номуҳимдан фарқлаш орқали уларнинг моҳиятига етиб, ўз фаолияти ва муносабатлари илмий асосда йўналиш олишига эришади.

Шу жиҳатдан қараганда, Абу Наср Форобийнинг фалсафада европоцентризм етакчи майл бўлиб келган даврларда эсдан чиқарилган назарий қоидаларига эътиборни қаратиш муҳимдир. У алломанинг фикрича, «Ҳаммаси ҳақиқат ёки барчаси ёлғон деган икки қарама-қарши муҳокама бир-бирини инкор этмайди, балки улар бир-бирини тўлдиради; уларни алоҳида олиб қараганда эмас, балки биргаликда, яхлитликда олиб

карагандагина ҳақиқат аён бўлади»¹⁶. Ижтимоий онгнинг диний ва фалсафий шакллари муҳокамаларини бир бутун холида изоҳлаш ўрнига уларни бири-бирига қарама-қарши қўйиш майли нарса ва ходисалар асл моҳиятини назарий онг даражасида англаб олишга монъелик қилиб келмоқда. Форобийнинг юқоридаги назарий қондасига беписанд қараш ижтимоий ҳаётда динни фанга, илоҳиётни фалсафага қарама-қарши қўйиш тарафкашликка олиб келмоқда. Холбуки, глобаллашув жараёнида тарафкашликнинг ҳар қандай кўриниши ижтимоий тараққиёт ва инсон камолотига беадад зиён-захмат етказди. Шунинг учун ҳам «дин», «имон» тушунчалари мазмун-моҳиятини тушуниш учун улар ҳақидаги диний ва фалсафий муҳокамаларни бир бутун холида олиб қараш зарурати пайдо бўлмоқда. Бошқача айтганда, илоҳиётчиларнинг у тушунчалар мазмуни ҳақида билдирган фикрлари фалсафий фикрлар ривожини учун бир асос бўлади. Масалага бундай ёндашув «дин» («религия»), «имон» («вера») каби дунёқараш билан узвий боғлиқ тушунчалар одамлар ва халқларни бири-бирига қарама-қарши қўймасликни, балки улар дунёдаги бир тур сифатида яқдил бўлиб яшашларини тақоза этаётганини назарий онг даражасида тушуниб олишларига имкон туғдиради.

Бу назарий қондага таяниб фаолият белгиласак, ҳар бир жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитнинг инсонга монанд ҳолатда шаклланиши учун илм аҳли билан дин аҳли, фан билан дин иттифоқини албатта вужудга келтириш ҳозирги давр тақозаси туфайли ижтимоий зарурат даражасига кўтарилганини англаб оламиз. Чунки бобокалонимиз Форобий фалсафий «изланишлар ва баҳс-мунозаралар ҳақиқатни англашнинг энг яхши воситаси» ҳисоблаган. У алломанинг ўзи ислом мафкураси ва сиёсати ҳукмрон бўлган бир шароитда илмий изланишлар методикасини ишлаб чиқиб, баҳс-мунозарага йўл очган. Форобий назарий билимда диалектик услуб (санъат ал-жадал)нинг ўрнига юксак баҳо бериб, уни баҳс, мунозара, суҳбат ва муҳокама олиб бориш санъати сифатида таърифлаган. Икки қарама-қарши зиддиятли томони бўлган битта тезис умумий тезиснинг ҳар қандай ҳолатини ҳимоя қилишга интилишга жавоб беради, деб ҳисоблаган Форобий.¹⁷

Ҳар қандай нарса ва ходисани олдиндан оқ ёки қора рангда тасвирлашга интилиш бир бутуннинг айрим қисмини бўрттириш ва идеаллаштиришга олиб келиб, унинг бошқа қисмларини эътибордан соқит қилишга сабаб бўлади. Масалан, айрим руҳонийлар ва назарий билими етарли бўлмаган баъзи зиёлилар одамдаги барча фазилатлар муайян бир дин худосига имон келтириш, унга суяниш орқали бўлади, у қадрлаган Худога ишонмаган одам, жумладан, одам-олам муносабатларида илм-фан ҳақиқатларига ишонган кишилар ҳам ахлоқий нопок, виждонсиз, маънавий тубан бўлади, деб ҳисоблайдилар. Холбуки одам бир бутун биосоциал ва фикрловчи мавжудот сифатида диний ва илмий қарашлардан озик олиб камол топишини улар

¹⁶ Абу Наср Форобий. Диалектика. Тарихий-фалсафий трактат (русча). Олма-Ота, 1985 – 15-бет

¹⁷ Қаранг. Форобий. Диалектика – 595-бет

эътибордан соқит қиладилар, жамоатчилик фикрини фақат ўз дунёқарашларига мувофиқ шаклланишига астойдил интилиб, жамиятда ғоявий порокандалик рўй беришига йўл очаётганликларни ўзлари ҳам англамайдилар.

**Луғатларда бу
тушунчаларга муносабат.**

Агар Шўролар даврида нашр этилган ўзбек тилидаги луғатларга назар солсак, «имон» фақат ислом динига хос тушунча сифатида талқин қилинади. Бу билан у бошқа динларга ҳам, илмга ҳам дахлдор эканлиги амалда инкор этилади¹⁸. Фақат мустақиллик йилларидагина бу тушунчага илмий-фалсафий таъриф-тавсиф берилди. Унда бундай таъриф берилади. «Имон»¹⁹ (араб.-«аман» сўзининг ўзбекчалашган шакли бўлиб, ишонч ва эътиқод маъноларида қўлланилади) - нутқ тили, мураккаб тафаккур тарзи ва кучли хотирага эга бўлган ҳозирги замон тоифасидаги Ақлли инсон – *Hom sapiens* онг ва аҳволи руҳиясининг нодир ҳодисаси бўлиб, муайян фикр, олий ғоянинг ҳақиқатлигига комил ишончдан иборат шахсдаги алоҳида руҳий ҳолатдир».

Ишонч ва имон тушунчалари ўртасида айнийлик билан бирга тафовут ҳам мавжудлиги таъкидланади: «Ишонч билан имон тушунчалари одатий (кундалик) онгда кўпинча бир маънода қўлланилади. Назарий онгда улар ўртасида яқинликдан ташқари тафовут ҳам борлиги эътиборга олинади. Ишонч ҳам одамлар ва улар уюшмалари ўртасидаги алоҳида руҳий ҳолат сифатида ўзаро муносабатларнинг инсоний тус олишига хизмат қилади, ишонч муҳити қарор топган жойда кўп муаммолар осонроқ, беозорроқ ҳал бўлади, одамларнинг кўп вақти ва қуввати беҳудага сарфланмайди». Луғатда яна бундай фикрлар илгари сурилади: «Имон ишончга нисбатан чуқур фалсафий мазмунга эга. У дунёқараш билан узвий боғлиқ бўлгани сабабли, инсонда Олий бир ибтидо (Аллоҳ, учюзли биру бор, Олий руҳ ва х.к.) ёки Олий бир ижтимоий мақсадни ифодаладиган ғояга ишонч бўлгандагина, у алоҳида руҳий ҳолат сифатида намоён бўлади. Бунингсиз, имон юзаки, сохта, ўткинчи бўлиши мумкин».²⁰

Машхур рус олими, Русча изоҳли луғат муаллифи Владимир Даль «Имон» («вера»)нинг диний талқинига тўхталган ҳолда, унинг илмий мазмунига ҳам эътиборни жалб қилади. «Имонли ўз ишончига тўласича содиқ қолувчи, кимгадир ва нимагадир бутунича ишонган, ўзгармас, ишончга сазовор; ёлғончиликдан узоқ, ҳаққоний, ҳақиқий, бир сўзли, таянса бўладиган – умуман, у олимнинг фикрича, - барча инсоний фазилятларни ўзида мужассамлаштирган инсонлар имонли деб аталади. «Бинобарин, - дейди у, - имон одамни жамият билан боғлаб туриш учун зарур шартлардан биридир»²¹.

¹⁸ Қаранг: Атеистик энциклопедик луғат. Т.. Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси нашр., 1988-177-б., Ислом. Справочник. Т., Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1989. – 133-б.

¹⁹ Қаранг: Фалсафа. Қисқача изоҳли луғат. Т., “Шарқ” нашр., 2004.-155-158-б.

²⁰ Имон арабчада аман сўзининг ўзбекчалашган шакли, бинобарин, уни иймон тарзида қўллаш тўғри бўлмайди. Чунки араблар “айман” сўзини ишлатишмайди.

²¹ Толковый словарь живого великорусского языка Владимира Даля. – СПб. – И., 1980.

Яна бир луғатда «имон» тушунчасига табақавий ёндашилиб, унда диний мазмундан ташқари дунёвийлик ҳам мавжудлигига эътибор қаратилади. Яъни ижтимоий ҳаётга оид дунёқараш, фан, илмий тахмин (гипотеза)ларга ишонч; мақсадга етишмоққа қаттиқ эътиқод, истикболда нимадир бўлишига ишонч, кимгадир топширилган ишнинг амалга ошишига умид қилиш; ўз-ўзига ишониш; цивилизацияга, одамзотга ишонч; исботини талаб этмасдан нимадир ҳақиқатлигини тан олиш – уни имон деб билиш; чин сўзга ишониб, кимгадир қонуний қафолат бериш²².

Демак, изоҳли луғатларда ҳам имон тушунчасида диний ва фалсафий мазмун борлиги эътироф этилади. «Имон», «ишонч», «дин» тушунчалари айнан бир маънода қўлланилмайди, яъни у тушунчалар назарий онг даражасида талқин этилади.

**Одатий онг даражасидаги
муҳокамалар ва уларнинг
оқибатлари.**

Маълум бўладики, баъзи илоҳиётчилар ҳам, бу муаммо билан шуғулланган файласуф олимлар ҳам «дин», «имон», «ишонч» тушунчаларига табақавий

ёндашиб муносабат белгилаш нуқтаи назарида турадилар. Шундай бўлишига қарамай, одатий онгда бу уч тушунчага ғайриилмий, ғайридиний ёндашувлар ва унга мувофиқ муносабатлар анчайин кенг ёйилган. Кичик мухитдаги назарий онгдан узок фикрлар руҳида тарбия топган индивидлар «диндор» деганда фақат ўзи имон келтирган худога ишонувчиларни «имонли» ҳисоблайдилар. Бу тушунча орқали ишончли, ҳалол-пок, чин инсон образи улар кўз олдида гавдаланади. Шундай кишиларнигина улар ўзларининг маслакдоши ҳисоблаб, алоҳида илиқ муносабатда бўладилар. Ўзга худоларга ишонган, унга имон келтирганлар унинг назарида қандайдир бегона, ишончсиз, маънавий жиҳатдан номукаммал одам сифатида гавдаланади. Натижада Аллоҳга имон келтирган инсон учун учюзли Якка худога имон келтирганларга ишончсиз кишилар сифатида муносабат билдирилади, чунки булар унинг маслагига мувофиқ келмайдиган нуқтаи назарга эга ҳисобланади. Бугина эмас, ҳатто битта динга мансуб маслакдош бўлган ҳолда, бошқа-бошқа оқим ёки мазҳабдагилар ҳам бир-бирларига гўёки ғоявий бегоналардек туюлади ва шунга мувофиқ совуқ муносабатлар шаклланади.

Ана шу боисдан ҳам Ноосфера даврида яшаётган ҳозирги одамлар учун «дин», «имон», «ишонч» тушунчаларига илмий-фалсафий ёндашув ҳаёт-мамот масаласи бўлиб турибди. Бундай ёндашувда барча динлар, оқимлар, мазҳаблар инсон руҳини поклашдан иборат Бош функцияларини бажаришлари, улар имон бутунлиги учун курашиб, динлар нуқтаи назаридан Одам Ато ва Момо Ҳаводан бинога келган ва Одам деб аталадиган мавжудотни энг Олий қадрият сифатида кадрлашга даъват эта олсаларгина чиндан ҳам имон бутунлиги учун курашган, демакки, худои-таоло амрига бўйсунган бўладилар.

²² Толковый словарь русского языка . М., 1936. Том I.

Чунки «худо» умумий тушунча, ҳар бир дин худоси хусусий тушунча, мазҳаблардаги худо ва пайғамбар образи айрим тушунчадир. Шундай нуқтаи назардан қараганда, ҳар қандай худо борлиги, у оламни ва одамни яратган ҳамда ҳар бир индивид феъл-атвори, хатти-ҳаракати устидан фаришталар орқали ўз назоратини ўрнатганига қаттиқ ишониб, руҳини поклаш учун унинг йўлидан адашмай бораётганларнинг барчаси имонли одамлар ҳисобланиши жоиздир. Бугина эмас, олам ва одам ўз-ўзидан (йўқдан) пайдо бўлгани, табиий ва ижтимоий қонунлар асосида ҳаракат ва ўзгаришлар бўлишига қаттиқ ишониб, худонинг назоратисиз ўз руҳини поклаш йўлидан бораётган индивидлар ҳам имонли ҳисобланиши зарур. Назарий онгдаги бундай қарашлар, ғоялар мафкура йўли билан кенг халқ оммасига тушунтирилса, одатий онг ҳам назарий онг таъсирида сайқал топиб, диний мутаассиблик, диний бағриторликка ўрин қолмайди. Демак, имон бутунлиги учун барча диний ва илмий ташкилотлар биргалашиб олиб борадиган ғоявий кураш жараёнида ҳар қандай одам тимсолида душман образи яратиш амалиёти учун ўрин қолмаслигига ишонч руҳини қарор топтириш умуммиллий ва умумбашарий ижтимоий фаолият бўлиб қолиши зарур.

**Назарий онг даражасидаги
муҳокамага кучли эҳтиёж.**

Илмий-техника тараққиёти ва илмий техника инқилоби туфайли оламнинг илмий манзараси одамлар онгида барқарор бўлиб, мўъжизалар борлигига ишонч тобора сусайиб бормоқда. Эндиликда илм билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда фалсафий дунёқараш тобора кенг халқ оммаси онгидан мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Одам-олам муносабатларида илмий қарашларнинг қарор топа бориши объектив таснифга эга бўлиб, бу жараёни инсон омили орқали ҳар қандай тарзда тўхтатиб қолишга интилиш самарасиз фаолият бўлади, холос. Бинобарин, бу жараён йўлига қўйиладиган ҳар қандай тўсиқнинг истиқболи йўқ бўлишидан ташқари, бундай ёндашув ҳар бир мамлакат, минтақа ва дунё миқёсида муқаррар равишда чиқадиган зиддиятларни тинч йўл билан ҳал этиш имкониятларини ҳам чеклаб қўяди. Эндиликда фалсафа ва барча ижтимоий-гуманитар фанларнинг намоёндалари «дин», «имон», «ишонч» тушунчаларига назарий онг даражасида муносабат билдириб, у тушунчалар ёрдамида баркамол инсонларни тарбиялаш, шу жараёнда «Одам одам учун – энг Олий қадрият» шиорлари остида ғоявий тарбия таъсирчанлигини оширишга ўз хиссаларини қўшишларини замон талаб этмоқда. Чунки таълим тизими ёшларга ғоявий таъсир кўрсатишнинг мафкуравий воситаси бўлиб, унинг барча йўналишлари ва босқичларида баркамол инсонларни шакллантириш вазифаси аниқ - равшан (конкрет) вазифа сифатида қўйилса, ҳар бир жамиятда ғоявий тарбия мақсадли изга тушиб олади. Янгича дунёқараш, янгича тафаккур тарзи бўш ерда қарор топа олмайди. Шунинг учун ҳам барча динларнинг руҳонийлари ва ташкилотлари тарихан тўплаган бой тажрибаларининг ҳозирги ИТИ даври учун жавоб бера оладиган жиҳатларидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

Илмий фалсафа фани нуқтаи назаридан ўтмиш тарихга муносабатда ворисликка қаттиқ риоя этилгандагина чинакам тараққиёт содир бўлади. Чунки тарих синовидан ўтган амалиёт таянч нуқта бўлиб, унга суянган ҳолда ижтимоий фаолият белгилаган одамлар, жамоалар, жамият ўз олдида қўйган мақсадларга эриша олади. Динлар, хусусан жаҳон динлари инсон онги ва аҳволи рухиясини олдиндан белгиланган муайян ижтимоий мақсадга мувофиқ бошқаришда имон феноменидан самарали ва албатта ақлга мувофиқ тарзда фойдаланиб келаётган экан, бу тажрибага, бундай малака ва маҳоратга беписанд қарашни кечириш қийин.

Айтилганлардан маълум бўладики, илмий ва бадиий адабиётлар, ўқув қўлланмалари, дарсликлар ёзаётган муаллифлар ўз соҳалари бўйича ўрни билан ёшларда оламнинг илмий манзарасини ҳосил этишни ўз фуқаролик бурчлари ҳисоблашлари зарур. Бугина эмас, мафкуравий ижтимоий институтлар, ғоявий таъсир кўрсатишнинг барча воситаларида ишловчи кадрлар «дин», «имон», «ишонч» тушунчалари ўртасидаги айният ва тафовутни англаб олиб, бу тушунчаларга назарий онг даражасида ёндашув малакасига эга бўлишлари замон талаби бўлиб турибди. Улар баркамол инсонни тарбиялашда диний ташкилотлар билан ҳамкор - ҳамнафас бўлиш зарурлигини ҳам англаб етишлари бағоят муҳимдир. Ҳар бир жамиятда илғор кучлар бу мақсад йўлида бирлашсалар, маънавий бўҳроннинг олди албатта олиниб қолади ва одамзот ўзининг чин ижтимоий моҳиятини намоён этишга астойдил интиланган сайин маънавий-ахлоқий тубанликни қарор топтиришга интилаётган кучлар чекинишга мажбур бўладилар ва янги, чинакам инсоний ижтимоий муҳитга мослашиб, ўзларидаги зоологик инстинктларни қадам-бақадам бартараф этиш йўлига киришга мажбур бўладилар.

Хулоса: а) ҳар қандай тушунчадаги муҳим ва номуҳим жиҳатлар фарқига бориш учун кадрлар илмий билиш назарияси билан қуролланган бўлишлари лозим; б) «дин», «имон», «ишонч» тушунчаларига муносабат ҳозирча одатий (кундалик) онг даражасида турибди, бу эса ғоявий-тарбиявий ишларни кўп жиҳатдан самарасиз қилиб қўймоқда; в) натижада «имон» тушунчасига диний ёндашувлар етакчи майл бўлиб, ғоявий-тарбиявий ишлар аниқ илмий йўналиш ололмаётир; г) Ноосфера даври ва глобаллашув жараёнида имон тушунчасига назарий онг даражасида ёндашув ҳозирги замон цивилизациясини муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолиш мақсадларига хизмат қилажак.

Калит сўзлар: кундалик (одатий) онг, назарий онг, тарафкашлик, маънавий-ахлоқий муҳит, тезис, бир бутуннинг айрим қисми, амон, иймон, ўз-ўзига ишонч, табақавий ёндашув, ғоявий бегона, умумий тушунча, хусусий тушунча, айрим тушунча, умуммиллий ва умумбашарий ижтимоий фаолият.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Назарий онг даражасида муҳокама юритиш нимани англатади?
2. Нима учун кундалик (одатий) онг даражасида индивидлар тушунчалардаги муҳим ва номуҳим жиҳатларни фарқлай олмайдилар?
3. Абу Наср Форобийнинг “икки карама-қарши муҳокама бир-бирини инкор этмайди” деган таълимотининг аҳамияти нимада?
4. Тарафкашлик деганда нима англанилади?
5. Луғатларда “имон” тушунчаси қандай изоҳланади?
6. “Дин”, “имон”, “ишонч” тушунчалари одатий онгда қандай изоҳланади?
7. Нега Ноосфера даври ва глобаллашув жараёнида тушунчаларга назарий онг даражасида муҳокама юритиш тарихий зарурат бўлиб турибди?
8. “Одам одам учун олий қадрият” тамойилига амал қилишнинг аҳамияти нимада?

«ИШОНЧ» ВА «ИШОНЧСИЗЛИК» АЛОҲИДА РУҲИЙ ҲОЛАТДИР.

**Билишда тушунчавий
тафаккурни
шакллантиришнинг
муҳимлиги.**

Агар «имон» тушунчаси муайян дунёқарашга ишониш, у ишончга содиқ қолиш ҳақида ички онт ичиш (қасам) маъноларини англатса, «ишонч» тушунчаси орқали билишнинг ижтимоий йўналиш олиши ва у билан боғлиқ ҳолда муайян дунёқараш ҳақлигига ишонишдан иборат руҳий ҳолат туфайли ялпи умумий ижтимоий-сиёсий ҳаракатни вужудга келтириши мумкин. Бинобарин, оламни ва одамни билишда тушунчавий тафаккурни шакллантиришда одатий ва назарий онгнинг ўзаро алоқадорлиги ҳам аён бўлади.

Индивидларнинг одам—олам муносабатларини билиш жараёни на фақат мураккаб ва ҳаддан зиёд зиддиятли бўлиш билан бирга, у яна тарихий ва генетик жиҳатдан ҳам чеклангандир. Атроф-муҳитни ва ўзини-ўзи англаб олиш учун онгли мавжудод сифатида одам ижтимоий ҳаётда адашувларга қўп дуч келмаслик учун тарихан таркиб топган энг муҳим тушунчаларни ўзлаштириб олиши, уларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб муносабат белгилаши муҳим. Чунки тушунчаларда муайян фикр, ғоя, қарашлар яширинган бўлади.

Назарий онгнинг буюк ҳизмати шундаки, тушунчаларга яширинган фикрлар, ғоялар, қарашлар мазмун-моҳиятини илмий жиҳатдан изоҳлаб, индивидлар ва жамоалар фаолияти тўғри йўналишда бориши, «оқ» билан «қора»нинг фарқини англаб олишга имкон яратади. Тушунчавий тафаккурни шакллантириш эса илмнинг муайян соҳасини албатта чуқур билиш ва уни амалиётда қўллаш малакасини ҳосил этишни тақоза қилади.

Одатий (кундалик) онгда муайян ижтимоий муҳитдаги кузатишлар, қиёслашлар орқали ва кишиларнинг ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, нарсалар ва ҳодисалар ташқи, юзаки, ўткинчи томонлари англаб олинади ва

шундан келиб чиқиб муносабатлар белгиланади. Билишнинг назарий онг даражасида эса индивидлар ва уларнинг турли ижтимоий гуруҳлари тушунчаларга яширинган ғояларни ўз маъносида англаб оладилар ва шундан келиб чиқиб белгиланадиган муносабатлар нисбатан адашувлардан, хатолардан холироқ бўлади.

Аммо одатий ва назарий онгдаги бу ўзига хосликка қараб, уларни бири-бирига қарама-қарши қўйиш асло мумкин эмас. Тарихан одатий онг ҳар доим назарий онг ривожини учун бир тўртки вазифасини ўтаб келган бўлса, назарий онг одатий онгда таркиб топган фикрлар, ғоялар, қарашларга сайқал беради, уларнинг асл мазмуни ва моҳиятини очади.

Маълумки, одатий онг ҳар доим «соғлом ақл»га таянади. Аммо индивидлар соф тажрибаси ва амалиёти ифодаси бўлган ўша «соғлом ақл» ҳар доим ҳам объектив ҳақиқат бўлавермайди, яъни объектнинг ҳақиқий ҳолатига тўғри келавермайди. Аксинча, кўп ҳолларда индивидларнинг ҳақиқий ҳолатдан узоқлаштириб қўяди. Назарий онг узоқ вақт давомида одатий онгда муқимлашиб қолган тушунчаларнинг илмий жиҳатдан асосланган мазмунига бефарқ бўлса, у ҳолда жамият аъзоларининг назарий онглари ҳам одатий онг даражасига тушиб қолади..

Гносеология – билиш илмида узоқ вақт «имонли» ва «имонсиз» тушунчаларига муносабат назарий онг даражасидаги тадқиқотлардан четда қолгани сабабли, бу тушунчалар талқини кўпинча одатий онг даражасида бўлмоқда. Шунинг учун оммавий онгда фақат диндор одамларгина, ўшанда ҳам индивидлар ўзлари қайси дин худосига имон келтирсалар, фақат шуларгина имонли (верующий) ҳисоблаб келинади. Олам ва унда одамнинг ўрни тўғрисидаги илмий ҳақиқатларга бутун қалби билан ишонган, унга эътиқод (ихлос) қилган, шу туфайлидан илм-фан далилларига ишониб, оламни ўзгартираётганлар, унда одамнинг чин инсонлардек ҳаёт кечириши учун қулай шароитлар яратишга бутун куч-қувватини сарфлаётган, аммо ўз эътиқодларидан келиб чиқиб, масжид ёки черковга бормаётган кишиларга «имонсиз»лар сифатида қаралиб, муносабат белгилаш расм бўлиб қолган. Демак, фалсафа ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг намоёндалари назарияда йўл қўйилаётган бу жиддий хато амалиёт йўлини боши берк кўчага олиб кириб қўяётганини англашлари муҳим бўлиб турибди. Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, собиқ Шўролар даврида «имонли», «имонсиз» сўзларини ишлатган одамларнинг ҳам «диндор» ҳисоблаб, мафкура орқали уларга маънавий қашшоқ кишилар сифатида муносабат белгиланар, демакки, одамлар конституцион ҳуқуқларидан маҳрум этиларди. Мустақиллик шарофати билан бундай ғайриилмий ёндашувларга барҳам берилди. Аммо эндиликда кичик муҳитда «динсиз» ҳисобланадиган одамлар гўёки «имонсиз» кишилар сифатида баъзан маънавий тубан индивидлар сирасига киритилиб, уларга нисбатан совуқ муносабатларнинг қарор топтириш майллари ҳам содир бўлмоқда. Шунинг учун ҳам Президент Ислам Каримов дунёвийлик – дахрийлик эмас, деган фикрнинг илғари суриб, ана шундай ғайриинсоний қарашлар йўлини тўсишга даъват этмоқда.

**«Ишонч» ва «ишончсизлик»
тушунчаларининг одам-олам
муносабатларини англашдаги
ўрни.**

Имон тушунчасида ишонч маъноси ҳам бор. Аммо бу тушунчаларда айниятдан ташқари тафовут ҳам мавжудлигини англаб олиш муҳимдир.

Ишонч ҳам индивиднинг алоҳида руҳий ҳолатидир. Чунки одам ва унинг турли ижтимоий гуруҳлари (жамоалари, уюшмалари) кўпинча ноаниқлик вазиятида яшайдилар, ишлайдилар. Шунинг учун ҳам кимнингдир гапига ишонч ёки ишончсизлик ҳолатида муносабатга киришадилар. Жамият аъзолари орасида ўзаро ишонч вазияти етакчи бўлса, жуда кўп ишлар осонликча битади, аксинча, ўзаро ишончсизлик ҳолатида ҳаддан ташқари қоғозбозлик авжига чиқади, одамларнинг ҳолдан тойдирадиган оворагарчиликлар кўпайгандан-кўпайиб боради. Ўзаро ишончсизлик вазияти бозор иқтисоди муносабатларининг шаклланиши йўлига ҳам жиддий тўсиқларни қўймоқда. Давлат ва унинг муассасаларига нисбатан ишончсизлик эса улар қадриятини туширади ва албатта тараққиёт учун хизмат қиладиган қонунлар ва қарорларнинг бажарилишини ҳам қийинлаштиради. Шунинг учун давлат муассасаларининг энг кичик ходими ҳам жамият аъзолари олдида жуда катта маъсулиятли шахс эканини англаб олиши ва албатта имонли инсон сифатида ҳалол-пок ва виждонли бўлиши ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Оддий одамлардан тортиб, мафкурачилар, сиёсатчилар, олимларнинг «ишонч» тушунчасидан келиб чиқадиган муносабатларини таҳлил этиш юқоридаги фикрларга ойдинлик киритади, албатта. Масалан, профессор А.В.Нагорний «одам қачонлардир ўртача 100 йил яшайдиган вақт келишига» ишонган. Олимнинг бу фикри унинг кўп йиллик тадқиқотлари негизида вужудга келган комил ишончга асосланган, албатта. Бундай ишонч гносеологик жиҳатдан тадқиқотчиларни одам организми биологик тузилишларини чуқурроқ билиб олишга руҳлантиради, зеро, профессорнинг бу қарашлари унинг қатъий ишонч-эътиқодидан келиб чиқади. Ёзувчи В.Пискуль «халқларни миллий ғурурини камситиш, уларнинг келажакка бўлган ишончдан маҳрум қилиб қўяди» дейди. Ёзувчининг ўз ишининг билимдони эканлиги, унинг назарий, сиёсий, ғоявий жиҳатдан етуклиги туфайли юқоридагидек ҳулоса чиқаришга имкон берган.

Машҳур шифокор – олим Пол Брегг «Табиатнинг ўзидан ташқари бўлган ҳеч қандай соғломлаштиришга ишонмайман» дейди ва сўзида давом этиб, «99 фоиз бемор одамлар нотўғри, табиий бўлмаган овқатлардан жафо чекишларига қаттиқ ишонаман», - дейди. Узоқ вақт давомидаги кузатишлари ва машқлари орқали ана шундай ишонч руҳий ҳолати Бреггга юзага келган. Соғлом, узун умрни у яхши одатлар билан боғлайди. «Биз, - дейди Брегг, - тентакнамо, ақлдан озган оламда яшайпмиз» деб, тартибсиз, ғайритабиий турмуш тарзи (зарарли одатлар) организмдаги ҳаётий муҳим жараёнларни бузишига ишонади. Унинг фикрича, одам организми табиат мўъжизасидир. Фақат табиий овқатлар, жисмоний машқлар, муайян муддат оч юриш туфайли бу мўъжизадан фойдаланиб қолиш мумкин. Кўриниб турибдики,

олимнинг бу ишонч-эътиқоди асосида чуқур билим ва тажрибадан келиб чиққан амалиёт ётади.

Ана шу айтилганларнинг ўзидан ҳам маълум бўлиб турибдики, ижтимоий-ҳаётнинг у ёки бу соҳасини билишга интилишда комил ишонч жуда катта рол ўйнайди. Шундай рухий ҳолат туфайли одам ғайритабиий кучлар иштирокисиз нарса ва ходисаларга муносабат белгилайди. Бугина эмас, ҳатто диндор одам, рухоний ва илоҳиётчи ҳам кундалик турмуш муаммоларини ҳал этиш, одамлар билан бевосита мулоқотга кириш жараёнида ишонч ва ишончсизликдан иборат рухий ҳолатга асосланади. Аммо ҳар қандай ишонч ёки ишончсизлик ҳолати индивиднинг ҳаёти давомидаги кундалик кузатишлари, қиёслашлари, амалиётда синашлари, таққослашлари орқали вужудга келади.

Ишонч ва унинг турлари

Ишонч одамлар мия ярим шарлари ҳажмининг тарихан кенгайиб бориш ва онгли ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлиқ ҳодиса бўлгани сабабли, у ҳайвонлардаги ишонч туйғусидан тубдан фарқ қилади. Бундай ишонч фақат одамлар ва улар жамоалари ўртасидаги шахсий ва ижтимоий алоқалар инсоний тус олишига сабаб бўлиши билан бирга у муайян фикр, ғоянинг ҳақ эканига ишониб, аниқ-равшан мақсадларни белгилаш, истиқбол режаларини тузиш ва уни дадил амалга ошириш учун алоҳида рухий ҳолатни вужудга келтиради. Ана шундай ишонч одамлар ва улар жамоаларининг кундалик кузатишлари, тажрибалари, билимларига таянади. Аниқ-равшан (конкрет) нарса, ҳодиса, жараён моҳиятини билишга қаратилган қатъий ишонч индивидларда кучли ҳис-ҳаяжонларни кўзғотиб, олдиндан белгиланган мақсад сари иродасини йўналтиради.

Гносеология (билиш назарияси) мазмунига кўра, ишонч қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

а) тахминга асосланган ишонч; у бошқа кишилар ва жамоа фикрини ҳақиқат сифатида қабул қилса-да, аммо уни амалга ошириб бўлиши ҳақида етарли тасаввурга эга эмаслиги учун дастлабки муваффақиятсизликдан кейинроқ аввал у фикр (ғоя)нинг тўғрилигига шубҳа пайдо бўлади, сўнгра ишончсизлик руҳи қарор топади;

б) ҳоҳиш, кутиш, умидвор бўлишга асосланган ишонч одамзот кузатиши ва тажрибасидан келиб чиқади; одам ёки жамоа воқеликдаги ниманидир ўзгартириши лозим ҳисобланади ва изланишлар натижасида олдига қўйган мақсадлари рўёбга чиқишига умид руҳи пайдо бўлади, бинобарин, уларнинг иродаси ҳоҳишларини рўёбга чиқаришга қараб йўналиш олади;

в) фан далиллари, илмий ҳақиқатларга ишонч; индивид ёки одамлар жамоаси илмий ғояларни амалга ошириш мумкинлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлгач, фан қонунлари ва қонуниятлари ҳақидаги тўпланган илмига таяниб туриб, ўз олдига аниқ мақсад қўяди ва иродасини шу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратади; илм-фан, тажрибага таянган ишонч ўзининг изчиллиги ва натижадорлиги билан фарқланади;

г) олам ва одамнинг пайдо бўлиши, табиат ва жамиятда одамнинг ўрни ва истиқболи тўғрисидаги муайян дунёқараш ҳамда инсон маънавий (ички олами – “Мени”) билан боғлиқ ғояларга таяниб фаолият белгилашдан иборат ишонч ва эътиқод (ихлос) таянч-ишонч дейилади, чунки у инсон онгининг нодир ҳодисаси – имонни англатади.

Одамзотнинг билимлари нисбий, чегараланган бўлгани сабабли, у бошқаларнинг фикрини тўғри деб ҳисобласа, унга ишонади ва шундан келиб чиқиб ҳаракат йўналиши белгилайди. Масалан, маълум бир соҳада ишлаётган отаси, онаси ёки яқин кишиси айнан шу соҳани касб қилиб олган кишининг истиқболи яхши бўлади деб, уни ишонтира олса, индивидда шу касбни эгаллашга хоҳиш туғилади ва албатта шундан келиб чиқиб фаолият йўналиши белгилайди.

Агар касбни эгаллаш жараёнида чиндан-да унинг назарида танлаб олган соҳаси афзаллигига ишонч руҳи барқарор бўлиб борса, у касбнинг энг нозик жиҳатларини эгаллашга интилиб, ажойиб бир уста, ҳунарманд ёки олим даражасига кўтарилади. Аксинча бўлиши ҳам мумкин. Айниқса ёшлар ҳар нарсага қизиқувчан бўладилар. Аммо уларнинг қизиқиши беқарорроқ бўлиши сабабли тасодифий бир нарса таъсирида у хоҳиш сўниб қолиши ҳам мумкин. Шундай қилиб ишонч-хоҳишда изчиллик баъзан бўлмайди.

Юқорида айтганимиздек, одамзот ҳар доим ўзи учун аниқ бўлмаган вазиятда аниқ-равшан (конкрет) мақсадларга эришмоқчи бўлади. Чунончи, тадқиқотчи фанда муаммо бўлиб турган мавзунини олиб, унинг устида ишлай бошлади, дейлик. Бунда ўша муаммони ҳал этиш йўллари, услублари етарли даражада аниқ эмас. Шунда у олдиндан ўйлаган тахминлари тўғрилигига ишонч туғилишига қараб ҳаракат қилади. Тадқиқот давомида устозини ёрдамида ўз фаолияти тўғри йўлдан кетаётганига ишонч ҳосил қилса, фаол ҳаракат юзага келиб, у чарчаш нималигини ҳам билмай, ишни охирига етказиб қўйиш учун тинмай меҳнат қилади. Мабодо тахминлари тўғрилигига ишончи сусайса, тадқиқотлари чўзилиб кетиши ёки ярим йўлда қолиши ҳам мумкин.

Одамзот ниманидир кутиб яшайди, шу жараёнда ўша кутган нарсасига эга бўлиш учун ҳаракат қилади. Айтайлик, ёш йигит ёки қиз истиқболда оила қуришни кутади, бўлажак ёрининг тахминий қиёфаси, феъл-атвори кўз олдида намоён бўлади. Ўша идеалга яқин қиёфага ва феъл-атворга эга ёшни ногоҳан кўриб қолса, унинг юрагида қандайдир бир қизғин туйғу пайдо бўлади. Кузатиш, мулоқот жараёнида у ўзи кутган ёр шу эканига ишонч ҳосил қилсагина жиддий ҳулосалар чиқаради. Борди-ю, тахминлари тўғри чиқмаса, унда дастлаб туғилган ишонч руҳи сўна бошлайди, бу ҳолатда ишонч-тахмин асоссиз эканлиги маълум бўлади ва бошқа тахминларга йўл очилади. Одамзот ҳаёт ва фаолиятининг бошқа соҳаларида ҳам ишонч-тахмин катта рол ўйнайди. Кимда ўша соҳада билим, тажриба етарли бўлса, тахминлари тўғрилиги қадам-бақадам тасдиқланиб боради ва бу ҳолатда дастлабки ишонч мустаҳкамланиб, фаол ҳаракат юзага келади.

Ҳаёт ҳам қувонч, ҳам ўкинчлар бирлигида намоён бўлади. Одамзот доимо қувончли онларга умид боғлаб яшайди, шу туфайли унда изланишлар

сари дадил боришлар содир бўлади. Ёш одам учувчи бўлишни орзу қилди, дейлик. У шу соҳага доир маълумотларга қизиқиш билан қарайди, улар асосида ўз имкониятларини чамалаб чиққач, унга эришиш умиди пайдо бўлади. Ушбу умид йўлидаги хатти-ҳаракатларида қандайдир муваффақиятларга эриша борган сари, унда учувчи бўлишга ишонч туйғуси қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллай бошлайди. Шу ишонч туфайли у ўз ниятларига эришиш йўлидаги барча қийинчиликларга бардош беради, чидайди. Борди-ю, шундай барқарор ишонч туғилмаса, у биринчи учраган қийинчиликка чидаш беролмай, умидлари пучга чиқади. Демак, ишонч-умид одам табиатидаги ирода, бардошга кўп жихатдан боғлиқ бўлиб қолади.

Маълумки, кўп асрлар давомида одамлар диний мафкура таъсирида Ерни текис, ҳаракатсиз, тепаси осмон билан ёпилган ҳолда тасаввур этиб келганлар. Абу Райхон Беруний ўз илмий кузатишлари натижасида Ер думалоқ шаклда, деган тахминга келди. Унинг бу гипотезаси Оврупо олимлари томонидан исботлангач, олам ҳақида янгича қарашлар пайдо бўлди. Аммо Ўрта аср Католик черкови бу қарашларда диндан чекиниш ҳолати бор деб ҳисоблаб, Жордано Брунони тавба қилишини талаб этди. Бироқ оташин олим ўз қарашлари илмий ҳақиқат эканлигини айтиб, фикридан қайтмади. Шундан сўнг черков талаби билан у гулханда ёқиб ўлдирилди. Фақат орадан 5 аср ўтгач, Католик черкови бу қилмишидан пушаймон бўлгани, Жордано Бруно ҳақ эканлигини тан олди. Олим ўз ғоялари тўғрилигига қаттиқ ишонгани учун у ўлимдан ҳам кўрқмади. Чунки унга ҳақиқат учун кураш ҳаёт маъноси бўлиб қолган, у эътиқодга айланган эди. Эътиқодга айланган комил ишонч одамни ана шундай қаҳрамонликларга чорлайди.

Боборахим Машраб адолатсизлик, тенгсизлик, зоҳидликка қарши оташин курашчи эди. У имон бутунлиги учун курашни ҳаётининг маъноси, деб биларди. Бу йулдан қайтишни учун ўша давр ҳокимлари талаб этишди. Аммо у ўз виждонига ҳилоф иш қила олмаслиги аён бўлгач, уни осиб ўлдирдилар. Демак, комил ишонч туйғуси шунчалик кучлики, унинг учун ҳар бир даврнинг фидойилари ҳаётларини бағишлаганлар.

Одам ўзи бир хилқат, унинг ички олами сирли мўъжиза. Агар у илғор, инсонпарвар ғоялардан озиқ олиб, камолга етса, унингдек саҳоватли, меҳр-муҳаббатли, жўшқин қалбли мавжудот дунёда йўқ ва бўлмайди ҳам. Аммо ғоясизлик уни икки нафс қурбонига айлантириб қўйиши аниқ. Шунинг учун ҳам Имом Абу Ҳамид ал-Ғаззолий одам ўз феъл-атворини ўлчаб, фаолият белгилаши учун «Тарозу» керак, деган бўлса, христиан илоҳиётчиси А.Введенский одам учун «ўлчов нуқтаси» зарур, деб ҳисоблаган. Улар бу «тарозу», бу «нуқта»ни худога ишончда, унга имон келтиришда, деб билганлар.

Бизнинг назаримизда, одамнинг инсонга айланиши учун таянч-ишонч бўлмоғи албатта керак. Бу таянч-ишонч динлардаги турли номлар билан аталадиган худо (ёки Олий рух), ёхуд олий ижтимоий мақсад ифодаси сифатидаги ғоя бўлиши мумкин. Аммо ғоя ўз-ўзидан таянч-ишончга айланмайди, балки кучли, таъсирли мафкура орқали одамда дунёқараш

билан боғланиб кетган таянч – ишончдан иборат руҳий ҳолат шаклланиб, унинг «Мени» – кичик ички олами катта космик олам –борлиқ билан туташиб кетади. У ҳаёт маъносини шунда англаб етади ва бунинг учун оташин курашчига айланади. Ана шундай ишонч эгалари имони бутун инсонлар дейилади.

Хулоса: а) олами, одам ўзини-ўзи билишида тушунчавий тафаккурни шакллантириш муҳимдир; б) «Ишонч» ва «ишончсизлик» ҳам алоҳида руҳий ҳолатдир; в) Ишонч кўринишлари кўп бўлиб, улар одам-олам муносабатларини англаб олишда ғоят муҳим рол ўйнайдилар.

Калит сўзлар: ички онт (қасам), тушунчавий тафаккур, амалиёт, ғайриилмий ёндашув, дунёвийлик, дахрийлик, ноаниқлик вазияти, комил ишонч, тентакнома олам, алоҳида руҳий ҳолат, фаол ҳаракат, тахмин, ишонч-умид, ҳаёт маъноси, давр фидойилари, таянч-ишонч.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Нега одам-олам муносабатларини билиш мураккаб?
2. Одатий ва назарий онг ўртасида диалектик алоқадорлик қандай намоён бўлади?
3. Нега билиш илми (гносеология)да “имон” ва “имонсиз” тушунчалари тадқиқотдан четда қолди?
4. “Ишонч” ва “ишончсизлик” тушунчалари ва уларнинг олами англашдаги ўрни?
5. Гносеологияда ишонч қандай шаклларда намоён бўлади?
6. Одам билимларининг нисбийлиги нимани тақоза этади?
7. Олами билишда ишонч-тахминнинг роли қандай?
8. Нега Католик черкови 5 асрдан сўнг кечирим сўради?
9. Одам учун таянч-ишонч керак?

Диний қарашлар тарихий, имон эса инсон (жамиятлашган индивид)га хос онгнинг нодир ходисасидир

Эклектик услубнинг яшовчанлиги

Олами билишнинг тарихан шаклланган услублари ичида эклектик метод ўз яшовчанлиги билан ажралиб туради. «Эклектика» сўзи латинчадан олинган бўлиб, луғавий маъноси «танлаш қобиляти», «танлов» демакдир. Илмий-фалсафий маъноси эса турлича қарашлар, ғоялар, тамойиллар ёки назарияларни қориштиришдир; шундай усулда фикр юритадиганларни эклектиклар дейилади. Билишнинг эклектик услубида мантикий бир асос бошқаси билан алмаштирилади, тушунчалар бир-бири билан қориштириб юборилади. Оқибатда ноилмий талқинлар илмийнома тусга кириб, ўқувчини реал воқеликдан узоқлаштиради. Шунинг учун ҳам қадимги даврдан бошлаб,

бизнинг кунларимизгача билишнинг эклектик услуби самарасиз бир машғулот эканига эътибор қаратилиб, у қаттиқ танқид остига олиб келинаётганига қарамай, эклектика илмий ишларда у ёки бу тарзда ўзини намоён қилиб келади.

Агар биз умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари учун тавсия этилаётган баъзи дарсликларга назар ташласак, “дин”, “имон”, “ишонч”, “эътикод” тушунчаларини бир-бирига қориштириб талқин этилаётганининг гувоҳи бўламиз. Чунки одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги ҳозирги замон табиётшунослиги фанлари далилларини ўрганмасдан, эскича қарашлар ва ёндашувлар билан муҳокама юритиш муаллифларни, билиб ёки билмай, тушунчаларни бир-бирига қориштириб талқин этишга олиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида таълим тизими учун ижтимоий-гуманитар фанлар ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратиш ниятида қийин бўлди. Чунки воқеликка мустамлакачилик шароитидаги ёндашувлар орқали миллий мустақилликни мустаҳкамлаш мумкин эмас эди. Шу боисдан мустақиллик йилларида яратилган ҳар бир ўқув адабиётини олдинга ташланган муҳим қадам деб ҳисоблаш, айтиш чоғда уларни тақомилига етган, деган маънода тушунмаслик керак. Масалан, умумтаълим мактаблари 9-синфлари учун чиқарилган “Дунё динлари тарихи”²³ дарслиги муаллифларининг меҳнатларини асло камситмаган ҳолда, улар баъзи тушунчаларни қориштириб изоҳлаганликларини айтиб ўтиш жоиздир.

Муаллифларнинг фикрича, “дин” ўзбек тилида “ишонч” деган маънони англатади, “У азалдан инсоннинг Аллоҳ билан алоқа қилиш эҳтиёжидир”,²⁴. Динлар тарихини “ишонч” тушунчаси билан бир деб талқин этиш, одамнинг ҳозирги физиологик ва ақлий салоҳиятига етгунга қадар босиб ўтган эволюцион тараққиёт йўлини инкор этишга, бинобарин, бу масалага ноилмий ёндашувлар ёшлар онгига сингишига сабаб бўлади. Тушунчаларни бундай қориштириш натижасида “Одамлар яшаб келаётган даврлардан бери дин ҳам яшаб келмоқда”, дин “Оламда инсоният пайдо бўлганидан то бизгача ўтган даврларни илоҳий тасаввурда акс эттиришдир”,²⁵ – деган ноилмий қарашларни юзага келтиради. Сўнгра, “Аллоҳ” тушунчаси билан “худо” тушунчасини бир маънода деб билиш натижасида бошқа динлар илоҳларини тан олмаслик майли бунда яширинадики, тушунчаларга ана шундай ёндашув амалда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Конституцион қонунга, шунингдек Ўзбекистон ҳалқларига хос диний бағрикенгликка ҳилоф фикрлар қарор топишига сабаб бўлади.

Тушунчаларни эклектик услуб (метод)да талқин этиш Олий таълим талабалари учун мўлжалланган “Диншунослик”²⁶ дарслигида ҳам учрайди. Дарслик муаллифлари “таълим бериш жараёнида фанга чуқур илмийлик,

²³ Дунё динлари тарихи. Т., Тошкент Ислон университети нашриёти матбаа бирлашмаси, 2005й.

²⁴ Дунё динлари тарихи: – 6 – б.

²⁵ Юқоридаги китоб. – 6 – б.

²⁶ Диншунослик Т., “Меҳнат” нашр, 2004.

тарихийлик, холислик билан ёндашиш”²⁷ тамойилига амал қилиш муҳимлигини таъкидлашлари диққатга сазовордир. Чунки дунёвий давлатни барпо этиш мақсадида фаолият белгилаётган, жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнига эга бўлиш учун курашаётган Ўзбекистон халқлари учун барча ижтимоий ҳодисаларни илмий идрок этиш ва муносабат белгилаш бағоят муҳим эканлигини дарслик муаллифлари англайдилар. Дарслик муаллифлари динлар типологияси, ҳар бир диний эътиқоднинг ўзига хос хусусиятларини илмий таҳлил этадилар. Динларнинг асосий функцияларини кўрсатадилар. Айниқса Ислом илоҳиёти ва амалиётига доир янгича ёндашувларга хос фикрларни илгари сурадилар. Бироқ, умуман олганда, Олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган бу дарслик умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун яратилган дарсликни такрорига –динлар тарихига ўхшаб қолганки, шунинг учун ҳам унда назарияга доир масалаларга етарлича ўрин берилмаган. Айниқса “дин”, “имон”, “ишонч”, “эътиқод” тушунчалари лоақал ислом илоҳиёти (фалсафаси) нуқтаи назарида туриб ҳам таҳлил этилмаганлиги сабабли, ушбу тушунчаларга одатий (кундалик) онг даражасида муносабат билдирганлар. Шу жихатдан қараганда муаллифларнинг дин “оламда инсоният пайдо бўлгандан то бизгача ўтган даврларнинг илоҳий тассавурда акс этишидир. Дин комил инсонни тарбиялашда асосий тарбияловчи қудратга эга бўлган маънавий- ахлоқий кучдир”, “у ижтимоий муносабатларни юзага келтирувчи ва амалга оширувчи омил сифатида намоён бўлади”,²⁸ - деган фикрлари илмийликдан узокдир. Муаллифларнинг “биринчи ёлғончи биринчи нодонни учратганда дин пайдо бўлди”²⁹ деган қарашлар мавжудлигига эътиборни жалб этишларини ҳам тушуниш қийин. Марксизмнинг одамнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги концепциясини, ўзлари билиб ёки билмай, муаллифлар ҳимоя қилиб чиқадиладар. Масалан, улар “ибтидоий одамлар” билан “ибтидоий жамоалар” тушунчасини айнанлаштирадилар. Яъни ибтидоий одамларнинг фикри “барчага баббаравар, ижтимоий группа, қабила, уруғ, халққа тегишли эди”, - дейишади. “Демак, – дейди муаллифлар, – дин инсоният билан бирга дунёга келган”.³⁰

Бундай қарашлар аслида марксча фалсафа нуқтаи назари тусига киради. Маълумки, К. Маркс одам аввал бошданок ижтимоий мавжудот бўлган, яъни одам пайдо бўлишиданок жамият бўлиб яшаган, деган фикрни илгари сурган эди. Чунки у яшаган XIX аср ўрталарида энди-энди ер остидан қадимги одамларнинг суяклари топилаётган, аммо улар илмий тадқиқот объектига айланмаганди. Шу маънода Маркснинг одамнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги қарашлари оддий тахминга асосланган бўлиб, унинг илмий қиммати йўқ эди. Хатто Ч. Дарвиннинг одамнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги эволюцион таълимоти ҳам илмий тахмин (гипотеза)дан иборат бўлиб, у бу

²⁷ Юқоридаги китоб. – 6 – б.

²⁸ Диншунослик Т., “Меҳнат” нашр, 2004.

²⁹ Диншунослик – 11 – б.

³⁰ Шу китоб – 13, 14 – б.

сохада илмий-тадқиқотлар олиб боришга йул очиши билан эътиборга сазовор эди.

XIX асрнинг охири, айниқса XX аср давомида одамнинг пайдо бўлиб, ҳозирги физиологик тузилиш ва ақлий салоҳиятга эга бўлгунга қадар миллион йиллар ўтиб кетганини фанлар рад этиб бўлмайдиган далиллар билан исботлаган шароитда К. Маркс нуқтаи назарида туриб муҳокама юритишни тушуниш қийин.

Сўнгра, бу дарсликларда христиан динининг шаклланиши ҳукмрон табақа ва мазлумлар ўртасидаги кураш билан боғланади. Бундан К. Маркснинг инсоният тарихи – синфий курашлар тарихидан иборат, деган тезиси, афтидан, дарслик муаллифлари онгига муҳрланиб қолган кўринади. Холбуки, барча диний тасаввурлар ва динларнинг пайдо бўлиши одамзот жамиятда яшаш эҳтиёжлари билан боғлиқ равишда соддадан мураккабга қараб тарихан ривожлангани маълум. Ана шу сабабдан динлар одамзот тарихининг кейинги 5-6 минг йилликларига тўғри келгани туфайли, у ижтимоий-тарихий ҳодиса ҳисобланади. Ҳозирги замонда беистисно барча динлар инсон руҳини поклаш, жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ишига беназар ҳизмат кўрсатиб келмоқдаки, ёшларга динларнинг бу функциясини тушунтириб, уларда илмий қарашларни қарор топтириш дунёвий йуналишдаги ўқитувчиларнинг вазифаси бўлиб турибди. Динларга собиқ Шўролар давридаги каби эскилик сарқити, қаттиқ тартиблар инъикоси, мазлумлар кўз ёши ифодаси сифатида қараш ҳам, ёки динларни идеаллаштириш орқали олам ва одамнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги ҳозирги замон илм-фан далиллари амалда инкор этиш ҳам инсон камолотига ҳизмат қилмайди. “Дин”, “ишонч”, “имон” тушунчаларига бундай эклектик ёндашувлар илм-фан, маданият ва маърифатнинг инсон руҳини поклаш, оламнинг илмий манзарасини шакллантириш борасида олиб бораётган улкан ишларини диний ташкилотлар фаолияти соясида қолдиришга сабаб бўлади.

Демак, “дин” “имон”, “ишонч”, “эътиқод” тушунчаларини эклектик услубда эмас, балки диалектик методда талқин этиш инсон камолотига ҳизмат қилади.

Динларнинг тарихий хизмати

Одамзотнинг Кромоньон (Ақлли одам) типига аждодларида ривожланган нутқ тили вужудга келиб, унинг мантикий тафаккури янги сифат босқичига кўтарилди. Шу негизда дунёқарашга хос фикрлар ривожланиши туфайли, табиатнинг стихияли кучлари борлиги тўғрисидаги ғоялар илгари сурилди. Ана шу кучлар эҳтиромига сазовор бўлишга қаратилган гимн (мадхия – дуолар яратилиб, уларга ялиниб-ёлборишнинг бутун бир тизим (система)га солинган анъаналар шаклланди. Рухий олам борлиги тўғрисидаги илк тасаввурлар мифологик дунёқарашда³¹ вужудга келди. Рух анъаналар, жамоатчилик фикри ва мафкуравий ижтимоий институтлар ёрдамида муайян

³¹ Мифология дин эмас, балки афсоналарда ифодаланган табиат кучлари борлиги тўғрисидаги қарашлар ҳамда улардан мадад кутишга қаратилган сиғиниш тизимидир.

ғоя ҳамда тимсол (идеал)ларнинг инсон онги ва ахволи рухияси (психикаси)даги жозибатор ифодасидир. Унда кўриб бўлмас, аниқ эмас, билиб бўлмас, ғайритабиийликка ишонч анъаналарга айланган маросимлар ёрдамида тарғибот қилиниб, жамиятда яшаш малакасини ўзида хосил этган инсонлар тарбиялаб келинган.

Мифологик дунёқараш Планетамизнинг барча жойлари, мамлакатлари, минтақаларида бир-бири билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ижтимоий эҳтиёжлар туфайли ўзидан-ўзи вужудга келган. Уларнинг шакл-шамойилларида фарқ бўлса-да, мохиятан барчаси табиат стихияли кучларига сиғиниш орқали индивидларда жамиятда яшаш малакасини ўзида хосил этишга қаратилган фаолият эди. Жамият эса ана шундай фаолиятни рағбалантирувчи ижтимоий муҳит хосил этишдан манфаатдор бўлган.

Ўлишга нисбатан туғилишнинг кўпайиб бориши уруғ-қабилалар иттифоқини вужудга келтириб, улар негизида турли тотем ва фетишларга мансуб элатлар шаклланди, турли қабилалардан ташкил топган элатларни ғоявий жихатдан жипслаштира оладиган ғоя керак эди. Натижада мифологик дунёқараш асосида, аммо ундан фарқ қиладиган, аниқ-равшан тимсол (образ)ларга эга кўпхудочилиқ динлари вужудга келди. Тараққиётнинг янги босқичида катта ҳудудларда яшаётган, хилма-хил маънавий маданиятга мансуб элатлар, халқларни ғоявий жихатдан бирлаштира оладиган жаҳон динлари шаклланиб, “бу дунё” ва “у дунё” ҳақидаги тасаввурлар такомиллашди. Бу динларнинг илгариги мифологик дунёқарашлар ҳамда кўпхудочиликка асосланган маънавиятга нисбатан тубли фарқи шу эдики, уларнинг барчасида Олий ибтидо (Худо, Олий рух) ваҳйлари битилган ҳамда инсон барча феъл-атворларини маълум бир тартибга солишга қаратилган ёзма манбаълар бор эди. Айнан шу муқаддас китоблардаги Бош ва Асосий ғояларни мафкуравий ижтимоий институтлар, таъсир ўтказиш мафкуравий воситалари орқали одамлар онгига сингдириш, қалбидан жой олдиришнинг таъсирчан методикаси яратилди, тарбиянинг марказига худо ваҳйларига сўзсиз итоат этадиган, руҳи пок имонли индивидларни камолга етказиш вазифаси қўйилди.

Барча динларнинг илоҳиётчилари, уламалари одам тана (моддийлик) ва рух (илохийлик) дан иборат тирик мавжудодларнинг алоҳида тури эканини файласуфларга нисбатан теранроқ англаганлар. Гарчи улар талқинида рух қандайдир алоҳида мохият саналса-да, аммо одамнинг инсон (жамиятлашган индивид)га айланишида имон хал қилувчи қудрат эканлигини исботлаганлар. Жалолиддин Румий “Аё сиз, жон чекиб, ҳар лахза изларсиз илохийни, ани излашга хожат йўқ, илохий – Сиз, илохий - Сиз”, - дейди, яъни одамнинг ўзи мохиятан қандайдир олий мавжудод бўлгани сабабли, нимагадир ишониши, ўзи ишонган Олий ибтидо йўлидан боришга қатъий онт – қасам ичиши, ҳар қандай вазиятда ҳам қасамига содиқ қолиш йўлидаги амаллари орқали илохийлик мартабасига эриша олади, демоқчи бўлади. Бунинг учун эса одам нафсини тийиши, бошқача айтганда, ўзида соғлом эҳтиёжларни шакллантира олиши даркор. “Эй фарзанд, – деб инсониятга мурожаат қилади имом Ал-Ғаззолий, – огоҳ бўл, амалсиз илм телбаликдан бошқа нарса эмас.

Ва лекин илмсиз амал ҳам наф келтирмагай”.³² Демак, алломанинг фикрича, илм амал билан эътиборли, унингсиз телбалик, нодонлик, ҳаёт йўлидан озишдир. Ал-Ғаззолий давом этиб, яна бундай дейди: “Эй фарзанд, рухингни ҳурмат қил, нафсингга синиқлик бағишла ва танинг ҳокимлигини махф эт, ўлдир! Рух – улуғ ходисаким, у фақат яхши амалларни хоҳлайди, биллох яхши амал қил, нафсинг буюрган йўлга юрсанг, муқаррар халок бўласан”.³³

Динларда нафсни тийиш орқали комиллик мартабасига эришиш йўллари, воситалари кўрсатилиб, у имонлиликнинг асосий шарти сирасига киритилади. Ҳақиқатан ҳам динлар одамларнинг жамият бўлиб яшаш эҳтиёжлари туфайли шакллангани туфайли, жамиятда бир қатор функция (вазифа)ларни бажаради. Булар: тўлдирувчилик, тасалли берувчилик, бирлаштирувчилик, назорат қилувчилик, алоқа боғловчилик, рухсат ва тақиқлар тизимини яратувчиликдан иборат. Бироқ, барча динларнинг асосий функцияси онгнинг нодир ходисаси (феномени) бўлган имон орқали ва унинг воситаси-ила инсон руҳини поклаш, шу жараёнда ижтимоий ҳаётни инсонийлаштиришдир. Бу функция системага солинган муайян дунёқараш инсоннинг феъл-атвори, кундалик амаллари, бутун фаолиятини белгилаш ифодаси сифатида имонда намоён бўлади. Имони бутун, эътиқоди собитқадам инсонларгина ҳар бир жамиятда маънавиятни қарор топтирувчи асосий ҳараклантирувчи кучдир. Бинобарин, имон бутунлиги, эътиқод собитлиги учун кураш ҳар қандай динни барқарор этиш, диний қадриятлар орқали одамларни жамиятда яшаш кўникмалрини ҳосил қилиш шарти ҳисоблаб келинди. Илоҳиётчилар бу концепцияни шакллантирибгина қолмай, айнаи чоғда муайян тизимга солинган ибодатлар, урф-одатлар, расм-русумлар, маросимлар орқали ва албатта мафкуравий ижтимоий институтлар, воситалар, усул-услублари ёрдамида инсон руҳини диний негизда поклашга интилиб келадилар, кўпинча шунга эришадилар. Имон орқали инсон руҳини поклаш амалиётини системага солиш барча динларнинг инсоният олдидаги буюк ҳизматларидир. Ана шу туфайлидан барча динлардаги Бош ва Асосий ғоялар мафкура орқали қадриятга айланиб, у одамнинг инсон (жамиятлашган индивид)га айланишининг зарур шарти ҳисобланади. Бу тарихий тажрибалардан ижодий фойдаланиб, ўз тарихий, фалсафий ва диний илдизларига эга бўлган миллий ғояни инсонлар имон-эътиқодига айлантириш ҳам умуммиллий, ҳам умумбашарий заруратдир.

Хулоса: а) “дин”, “имон”, “ишонч”, “эътиқод” тушунчаларидаги умумийлик ва айримликни англамаслик, яъни уларни эклектик услубда талқин этиш ўқувчиларни ҳақиқий ҳолатдан чалғитади; б) инсон руҳини поклашнинг муҳим йўли – имон бутунлиги учун курашга даъват барча динларнинг асосий функцияси (вазифаси) бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

³² Имом Ғаззолий. Охиратнома. Т., “Ёзувчи” нашр 1994. – 7 – б.

³³ Шу китоб. – 8 – б.

Калит сўзлар: Эклектик метод, эскича қарашлар, виждон эркинлиги, тарихийлик, ҳолислик, илмий тадқиқот объекти, динларни идеаллаштириш, инсон камолоти.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Эклектик метод нима?
2. “Дин”, “имон”, “ишонч”, “эътиқод” тушунчаларини қориштириш нимага олиб келади?
3. Динларнинг келиб чиқиши ва жамиятдаги ўзича ўрни ҳақида қандай ноилмий фикрлар ёшлар онгига сингдирилмоқда?
4. Марксизмнинг одамнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги концепцияси нега илмийликдан узоқ эди?
5. Олам ва одамнинг пайдо бўлиши ҳақида илмий қарашларни қарор топтириш ўқувчилардан нимани талаб этмоқда?
6. Динларни идеаллаштириш нимага олиб келади?
7. Динларнинг тарихий хизматлари нимадан иборат?
8. Мифологик дунёқараш нима?
9. Жалолиддин Румий нега инсонни илоҳий мавжудод ҳисоблайди?
10. Ал-Ғаззолий илм ва амал ҳақида қандай фикрларни илгари суради?
11. Динларнинг жамиятдаги функцияси нима?
12. Жамиятда маънавиятни қарор топтирувчи асосий куч кимлар?

Имон – инсон ўз руҳини ўзи поклаш ва юксак ахлоқ эгаси бўлиш воситаси.

**Одам ва инсон
тушунчаларининг
фалсафий мазмуни**

Одамзот шу она-Табиат ва космик ходиса сифатида пайдо бўлгач гала-гала бўлиб яшашдан жамият бўлиб яшашга ўтишда ўзаро ишонч ва ишончсизликдан иборат руҳий ҳолат бўлганини, тараққиётнинг юқориқ босқичларида муайян дунёқараш билан боғлиқ равишда маънавият қарор топиб бориши, маънавий фазилатлар ифодаси бўлган тушунчалар: виждон, инсоф-диёнат, адолат, меҳр-шафқат, ихлос (эътиқод), поклик, ҳалоллик, вафо, садоқат ва бошқалар қадриятга айлана бориб, қадриятли онг шаклланган.

Одамзот эндиликда Ноосфера даврига кирдики, бу даврда инсон руҳини поклаш орқали ҳар бир жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, шу жараёнда одамлар тафаккур ва турмуш тарзини ўзгартиришга ёрдам берадиган янгича дунёқарашга эҳтиёж тобора ошиб бормоқда.

“Одам” ва “инсон” тушунчаларида умумийлик ва тафовут бор. Умумийлик шундан иборатки, одам ва инсон тушунчалари орқали мавжудодлар ичидаги муайян бир тур тушунилади. “Одам” тушунчасида

биологик инстинклар устиворроқ бўлса ва бундай мавжудот учун икки нафс (эхтиёж)ни қондириш етакчи майлга айланса, муайян жамиятда тарихан қарор топган маънавий-ахлоқий қадриятларга, тартиб-интизомлар, қонун-қоидаларга беписанд қарашдек қусурлар кўзга яққол ташланиб туради. “Инсон” тушунчасида ўз биологик инстинкларини жамоа ва жамият манфаатларига бўйсундира олган, шу тариқа ижтимоийлик майли устивор бўлган индивидлар ўз ифодасини топади. Одам тушунчаси кенгроқ мазмунга эга. Яъни янги туғилган чақалоқдан тортиб, кексайиб қолган кишиларгача, тўғри, халол-пок индивидлардан тортиб ўғри, қотил, таъмагир, порахўр, фохишагача одам саналади. Инсон тушунчаси торроқ, аммо чуқурроқ мазмунга эга. Чунки у жамиятлашган, муайян жамиятда тарихан таркиб топган маънавий-ахлоқий қадриятларни кадрлаш, қонун-қоидалар, тартиб-интизомларга қаттиқ риоя қилиб яшаш кўникмасини ўзида тарбиялай олган, ўзлигини англаган буюк зотдир. Бундай индивидларда ўзлари танлаб олган дунёқараш негизида имон-эътиқод руҳи барқарор бўладиги, ана шу кишилар ҳар қандай жамиятда маънавиятни қарор топтириш тарафдорлари бўлиб майдонга чиқади.

Шу нуқтаи назардан “одам бўлиш осон, аммо инсон бўлиш қийин” деган нақл тагида чуқур фалсафий маъно бор. Хатто диндор бўлиш ҳам имонли инсон бўлишга нисбатан осон. Чунки имонли инсонлар ўз аҳдларида, сўзларида қаттиқ турадилар, ўлимга рози бўладилар, лекин имонига хилоф иш қилмайдилар.

Зардуштийлик, буддавийлик ва христианликда шахс маънавий фазилатлари масаласи.

Мифологик ва содда фалсафий фикрларнинг омухтаси сифатида жаҳон динлари – зардуштийлик, буддавийлик ва христианлик вужудга келиши одамнинг инсонга айланиб боришига бўлган ижтимоий эҳтиёжлар ифодаси эди. Зардуштийликда жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш яқкаю ягона Худо – Ахурамазда вахйларига қатъий амал қиладиган Комил ақл эгаси образи билан боғланади. Комил ақл эгасининг ҳаёт маъносини белгилаш уч тамойилга асосланади: эзгу ният, эзгу фикр ва эзгу амал.

Буддавийликда одамнинг инсонга айланиши учун учта нарсага амал қилиб фаолият йўналиши белгилаши лозим: а) ахлоқ маромларига қатъий риоя этиб, қотиллик, ўғрилик, гумроҳлик, ёлғончилик, қалбакичиликдан, маст қилувчи нарсалардан сақланиш; б) медитация – ўз-ўзини, ўз руҳини тўғри тарбиялашга интилиш; в) донишмандлик, яъни нарса ва ходисаларни файласуфларча тушунишга ҳаракат қилиш ва шулар орқали абадиятга доҳил бўлиш.

Христианликда одам инсонга айланиши учун Ота худо вахйларига қатъий амал қилиши керак. Бу вахйларни Исох-масих (халоскор) бандаларга етказгач, шу тариқа муқаддас рух синггач, одам христианга айланади ва бу хол унинг чинакам инсоний фазилатларга эга қилади. Исох-масих образи христиан учун идеал ҳисобланади.

Демак, ҳар уччала динда ҳам олий бир ибтидо ёки Олий рух борлигига ишониш, бу ишончга содиқ қолиш орқали одамзот инсоний фазилатларни ўзида гавдалантиради ҳамда жамиятда адолат, инсоф-диёнат, меҳр-шавқат, ҳалол-поклик, виждон, вафо ва садоқатга асосланган муносабатларни қарор топтиради, деган ғоя илгари сурилади. Бу ғоялар диний мафкура орқали инсон онгига сингдирилиб, уни имон-эътиқод эгаси этиб тарбиялашга бутун диққат-эътибор қаратилади.

**Исломда имонлилик орқали
комиллик мартабасига
эришиш ҳақида.**

Исломда Аллоҳ ваҳйларига ва Муҳаммад пайғамбар панд-насихатлари (Ҳадису шариф)га бутун вужуди билан қаттиқ ишониш, бу ишончга ҳар қандай вазиятда ҳам содиқ қолиш орқали одам инсонга айланиши мумкин, деган ғоя илгари сурилади. Кундалик (одатий) онгда оддий одамлар ислом тушунчаси билан имон тушунчасини айнан бир маънода ҳам талқин этиб, шу нуқтаи назардан муносабат белгилайдилар. Бироқ ислом илоҳиётчиси (файласуф)лари узоқ вақт баҳс-мунозаралардан сўнг, дин билан имон тушунчалари ўртасида фарқ борлигини исботлаганлар. Уларнинг фикрича, имон уч унсурдан ташкил топади: а) Аллоҳнинг ягоналигига ишонч, эътиқод; б) сўзда истиғфор (икрор) қилмоқ; в) эзгу ишлар билан имонли инсон эканини исботламоқ (амал). Демак, имон ишонч (эътиқод), икрор ва амалдан иборатдир. Ана шундай одам мусулмон, яъни комил инсондир. Дин эса имон, эҳсон, исломдан ташкил топади, деб ҳисоблаган илоҳиётчилар.³⁴

Ислом нуқтаи назаридан, фақат имон-эътиқодли одамлардагина чинакам маънавий фазилатлар, жумладан инсоф-диёнат, виждон, меҳр-шавқат, ҳалол-поклик, вафо ва садоқат фазилатлари мужассамлашган бўлади; бошқа одамларда бундай сифатлар бировларни унинг ҳақида ёмон фикрга келмасликлари нуқтаи назаридан хўжага кўрсинга, шунчаки бир, ўткинчи, омонат, вақтинчалик бир ҳолатда намоён бўлади. Чунки, имонсиз киши иккиюзламачи, мунофиқ, ўз қадрини билмайдиган, ўз аҳдида турмайдиган одам бўлади. Ўзбекистон уламоларидан бири Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф имон фақат ишонч ва икрордан иборат эмас, балки амалда, инсон ҳар бир ҳаракатида намоён бўлиши билан қадрли эканига эътиборни жалб қилади: “Ахир, эътиқод кечаю кундуз ибодат қилиб ётишда эмас. Агар кўнглинг пок бўлмаса, қилинаётган ибодатдан нима фойда. Бундай кишилар исломда мунофиқ бандалар дейилади.”

Қуръони Каримда имонли одамларнинг белгилари қўйидагича тавсифланади: улар мўмин, ройиш, юввош, итоаткор, қуруқ сўзликдан қочувчи, поклик, ҳалолликка интилувчи, ўз ваъдалари, шартномаларига риоя этувчи, ибодатга амал қилувчи ва шунинг учун ҳам жаннат ворислари ҳисобланади.

Ислом илоҳиёти йўналишларидан бири бўлган тасавуф (сўфийлик)нинг нақшбандийлик тариқатида чинакам инсоний фазилатлар

³⁴ Қаранг: Массэ А. Ислам. Москва. изд. “Восточной литературы”, 1963.-стр. 97

тўрт боскичда шаклланиши таъкидланади: шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат. Охирги боскичда Суфий Аллоҳ висолига етган ҳисобланади ва унинг иродасига тўласича бўйсуниб, ҳақиқат тимсоли бўлади: халол-поклик, меҳр-шафқатлилик, адолатлилик, инсонпарварлик, вафо ва садоқатда бошқаларга намуна бўлиб, жамиятни маънавий-ахлоқий жихатдан соғломлаштиришнинг етакчиларига айланадилар. Бундай одамлар барча маънавий фазилатлар мужассаами сифатида комил инсон ҳисобланадилар.

**Имон тўшунчасини илмий-
фалсафий мазмун**

Биз яшаётган давр воқелиги илгариги барча даврлардан фарқ қилади. Илмий-техника инқилоби натижасида одамлар дунёқарашида, одам ва олам муносабатларида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ер деб аталган дунёда яшаётган одамлар, халқлар, элатлар, миллатлар ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий алоқалар шундай жадаллашиб бориб, илгари сочилиб кетган алоҳида-алоҳида дунёлар ягона дунёга айланиб бормоқда. Бундай глобаллашув жараёнида тинч-тотув, муросаю-мадора билан яшаш кўникмасига эга инсонларга эҳтиёж тобора ошиб борапти. Бироқ маънавиятдаги умумийликдан ташқари жиддий тафовут (айримлик)лар кучайган жойларда оддий жанжаллар ҳам локал урушларга айланиб кетмоқда ва бу хол жаҳон уруши хавфини келтириб чиқармаслиги мумкин эмас. Айниқса диний эътиқод эгалари ўртасида тўқнашувлар рўй беришига асло йўл қўйиб бўлмайди. Бутун дунёни христианлаштириш ёки исломлаштириш орқали инсониятни боши берк кўчага қараб бораётган маънавий инқироздан қутилтириш мумкин, деган хомҳаёл эгалари, уларга ишонувчилар, муайян бир ҳаракатларни юзага келтиришга интилувчилар ҳам йўқ эмас. Демак, одамзот эндиликда яшаши керак бўлган дунё манавий бўҳроннинг кучайиши оқибатида тобора мўрт бўлаётгани билан ҳам ажралиб туради. Агар жаҳон халқлари битта динга эътиқод қилганларида ҳам, эҳтимол, хавф-хатар ҳозиргидан озроқ бўлармиди.

Янги тарихий шароит янгича турмуш тарзини тақоза этмоқда. Халқлар, миллатларни бирлаштирадиган, қўлни-қўлга бериб фаровон турмуш учун курашадиган баркамол инсонларни тарбиялаш долзарб вазифа бўлиб турибди. Мобода барча одамлар, халқлар урушларсиз яшаш мумкинлигига ишонсалар, шу йўлда дадил қадамлар қўйсалар, ИТИ имкониятлари бу дунёни ўша барча динларда ўз ифодасини топган жаннатдан ҳам кўркем, қулай масканни ер юзида яратиш имконияти мавжуд. Нима қилиш керак? Нажот йўли борми?

Кўзга кўринган олимлар бу саволга ўзларича жавоб берадилар. Масалан, Э. Фроммнинг фикрича, одамзот мавжудлик учун курашади ва шу кураш инсоний тус олиши учун ҳозирги динлар ўрнига ақидаларсиз, қаттиқ тартибларсиз инсонпарварлик ёки Тараққиёт дини шаклланса, инсон руҳи радикал равишда покланиши мумкин экан. Бироқ тарихий ҳақиқат шундан далолат берадики, янги, ягона дин яратиш йўлидаги ҳаракатлар уни бошлаганларнинг қувғин қилиниши ва қатл этилиши билан тугаган.

Афтидан, Зардуштнинг эзгулик руҳи ёвузлик руҳи устидан пиравордида тантана қилади, деган ғояси асосида ҳозирги замон илм-фани, илғор фалсафий фикрларига таяниб туриб, имонли инсонлар – янгича тафаккур тарзига эга бўлган баркамол инсонларни камолга етказиш, уларнинг куч-ғайрати билан ҳар бир жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштиришни бошлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу ғоя барча динлардаги имон асосини ўзида гавдалантиради. Чунончи, исломда Аллоҳ эзгуликка бошловчи, шайтон ёвузлик руҳини ташувчи, одамни тўғри йўлдан оздирувчи қудрат. Аллоҳга имон келтирган инсон шайтондан хазар қилади ва унга қарши кураш жараёнида поклик мартабасига эга бўлади. Христианликда ҳам уч юзли Якка худо эзгуликка бошловчи, ересь эса сатана измига кирувчи одам ҳисобланади. Тавротда ҳам шу маънодаги фикрлар бор. Будда динида эса моддий жисм – тана эҳтиёжларига берилган одамнинг руҳи қашшоқлашади, олий руҳга интилиш эса инсонни баркамол этади, дейилади.

Динлар муайян бир Олий ғоя ва асосий ғояларни мафкура йўли билан инсоннинг имон-эътиқодига айлантиришда жуда катта тарихий тажрибага эгадирлар. Шу тарихий тажрибаларга таяниб туриб, илмий-фалсафий дунёқараш асосида инсонларнинг руҳини поклаш учун Зардуштнинг юқоридаги ғояси, шунингдек барча бунёдкор ғоялар асосида ҳам имонли инсон шаклланиши мумкинлигини эътибордан соқит қилмаслик керак. Зеро, имон инсон онгининг нодир ҳодисаси бўлиб, у муайян дунёқараш ифодаси бўлган Бош ва Асосий ғояларни мафкуравий ижтимоий институтлар (оила, маҳалла, ўқув ва меҳнат жамоалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, расмий ва норасмий уюшмалар) ҳамда мафкуравий воситалар, услублар орқали одамлар онгига киритилиб, қалбидан жой олдирадиган, шу тариқа инсон ўз руҳини ўзи поклаш воситасидир. У диний йўналишда ҳам, илмий-фалсафий ва маданий-маърифий йўналишда ҳам инсонлар учун олий кадриятга айланиши мумкин.

Имоннинг фалсафий маъносини аввало тан олиш, сўнгра шу йўналишда тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш лозим бўлади. Одамларга нафақат виждон эркинлиги бериш, шу билан бирга имон йўналишини танлаш эрки ҳам бериш жоиздир. Имон йўналишлари ҳилма-ҳил бўлган ҳолда, мақсад битта – имон воситаси билан инсон ўз руҳини ўзи поклаш амалиёти етакчи майлга айланмоғи маъқулдир. Албатта жамият ва давлат томонидан барча одамларнинг феъл-атвори, хатти-харакати, фаолияти назорат остига олинади, қонун-қоидалар, одоб-ахлоқ маром (норма)ларига риоя қилаётган индивидлар рағбатлантирилиб, бунинг аксини қилаётганлар жазоланадилар ёки жамоатчилик нафратига дуч келадилар. Одамнинг инсон (жамиятлашган индивид)га айланиши учун бундай ташқи таъсир ва назорат албатта керак. Бироқ, тарихий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, одамнинг инсонга айланиши учун бу кифоя қилмайди, балки унинг учун феъл-атвори, фаолиятига ўзи баҳо берадиган мезон ҳам керак. Имон маълум бир дунёқарашнинг аниқ шахслар амалиётида намоён бўлиши туфайли, у ана шундай мезон ролини ҳам ўтайди. Бинобарин, фақат имонли

одамлардагина инсоф-диёнат, виждон, адолат, меҳр-мурувват, халол-поклик, вафо-садоқат каби ахлоқий фазилатлар олий қадриятга айланиши мумкин. Шунда инсоф-диёнатли, меҳр-оқибатли, меҳр-муҳаббатли, халол-пок, виждонли, вафо ва садоқатда собитқадам, ижтимоий адолат тимсолига айланган баркамол ва соғлом авлод вояга етади. Ана шундай инсонлар орқали маънавият боши берк кўчадан чиқиб, одамлар, халқлар, миллатлар тинч-тотув яшашга, муқаррар чиқадиган барча зиддиятларни урушлар, жанжаллар, фитналар, террорлар йўли билан эмас, балки музокаралар, ўзаро ён беришлар, мурсага келишлар орқали қадам-бақадам ҳал этиш палласига кириши мумкин. Шунда табиат экологик халокатдан, одамзот манавий тубанликдан халос бўлиб, Ақл ва унинг махсули бўлган фан ҳамда техника ва технология муваффақиятларидан тўласича инсониятнинг порлоқ келажаки йўлида фойдаланиш учун йўл очилади.

Хулоса:

а) “Одам” тушунчасида тирик мавжудотларнинг бир тури англанади, “инсон” тушунчасида ижтимоийлашган, шунинг учун ҳайвоний инстинктлардан холироқ бўлган индивидлар ифодаланади; б) Зардуштийлик, буддавийлик, христианлик динларида ҳам имон орқали баркамол инсонларни тарбиялашга биринчи даражали аҳамият берилади; в) исломда имон мусулмончилиكنинг биринчи шарт ҳисобланади; г) илмий-техника инқилоби шароитида глобаллашув жараёни шитоб (тез) кетаётгани сабабли маънавий инқироздан қутилиш учун динларнинг имонлилик тўғрисидаги ғояларига суяниб баркамол инсонларга ижтимоий эҳтиёж ошиб бораётганини эътиборга олиб, фаолият йўналиши белгилаш муҳимдир.

Калит сўзлар: космик ҳодиса, одам, инсон, ижтимоий эҳтиёж, абадиятга дохиллик, мунофиқ, ибодат, тасаввур, шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат, маънавиятдаги умумийлик, исломлаштириш, христианлаштириш, маънавий бўҳрон, мавжудлик, тараққиёт дини, ўз руҳини ўзи поклаш, мезон.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Одам ва инсон тушунчаларидаги айният ва тафовут нимада?
2. Диндор бўлиш осонми ёки имонли инсон бўлиш?
3. Комил инсон эгасининг ҳаёт маъноси қандай тамойилларга таянади?
4. Нега кундалик мулоқотда мусулмонлар “ислом” билан “имон” тушунчасини айнанлаштирадilar?
5. Ислom илоҳиётчилари имон ва дин неча унсурдан ташкил топган, деб ҳисоблайдилар?
6. Қуръони Каримда имонли одамларнинг белгилари қандай ифодаланган?
7. Нақшбандийликда комил инсон қандай босқичларни босиб ўтиши талаб этилади?

8. Дунёни христианлаштириш ёки исломлаштириш ғоялари негизида қандай манфаатлар кўзда тутилади?

9. Э.Фроммнинг тараққиёт дини яратиш тўғрисидаги қарашлари илмий асосга эгами?

52,1,50,3,48,5,46,7,44,9,42,11,40,13,38,15,36,17,34,19,32,21,30,23,28,25
26,27,24,29,22,31,20,33,18,35,16,37,14,39,12,41,10,43,8,45,6,47,4,49,2,51

56 бетли китоб учун:

56,1,54,3,52,5,50,7,48,9,46,11,44,13,42,15,40,17,38,19,36,21,34,23,32,25,30,27
28,29,26,31,24,33,22,35,20,37,18,39,16,41,14,43,12,45,10,47,8,49,6,51,4,53,2,55